

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 338+6.01+658 (575.1)

Жўраев Баҳром Раҳматуллаевич

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА
САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЯХШИЛАШ Йўналишлари
(ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ КОРХОНАЛАРИ МИСОЛИДА)**

5A340102- Иқтисодиёт (саноат тармоқлари)
мутахассислиги бўйича

**магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар:
и.ф.н. доц. Мустафакулов Ш.И.

Тошкент – 2012

Магистрлик диссертация иши “Саноат иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки
ҳимоядан ўтган.

_____ сонли баённома « _____ » _____ 2012 й.

Илмий раҳбар: Шерзод Мустафакулов
Ф.И.Ш.

имзо

сана

Магистр: Жўраев Бахром
Ф.И.Ш.

имзо

сана

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
1-БОБ. САНОАТ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИНING MAЗМУНИ ВА УНИING ЮҚОРИ СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ.....	10
1.1. Иқтисодий ўсишнинг моҳияти тўғрисидаги илмий концепцияларнинг ривожланиши.....	10
1.2. Саноат корхоналарида иқтисодий ўсиш, унга таъсир этувчи омиллар ҳамда давлат инновация сиёсатининг саноат корхоналари рақобатбардошлигини оширишдаги роли.....	17
1.3. Ўзбекистон Республикаси енгил саноатида иқтисодий муносабатларни ўрнатиш ва шакллантиришнинг ташкилий- иқтисодий асослари.....	27
2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ОРҚАЛИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИING РИВОЖЛАНИШИ ҲОЛАТИ.....	45
2.1. Кимё саноати корхоналарининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни.....	45
2.2. “Ўзбекқўмир” ОАЖ молиявий-хўжалик фаолиятининг иқтисодий таҳлили.....	57
3-БОБ. МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИING ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА УЛАРГА АЖРАТИЛАЁТГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР КЎЛАМИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	75
3.1. Саноат тармоқлари тараққиётини янги босқичга кўтаришда инвестицияларнинг аҳамияти.....	75
3.2. Енгил саноат корхоналарида модернизациялаш жараёнларининг илмий-ташкилий жиҳатларини янада кучайтириш..	84
3.3. “Ўзбекқўмир” ОАЖ иқтисодий омилларини (меҳнат ресурслари) бошқаришни такомиллаштириш.....	92
Хулоса ва таклифлар.....	104
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	107

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Юртимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида қўлга киритилаётган юксак натижалар, энг аввало, янгидан-янги замонавий саноат тармоқлари ва ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши, бунинг таъсирида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг сезиларли даражада ортиб бораётгани, яратилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат турларининг кўпайиб, сифатининг тубдан яхшиланиб бориши, бир сўз билан айтганда, иқтисодиётимизнинг янгича мазмун ва моҳият касб этиб боришида мустақил тараққиёт йўлининг тўғри танлангани, амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат стратегиясининг ҳар томонлама пухта асосланган ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати энг муҳим ва асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасида кейинги йилларда иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларига алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз ушбу жараёнларни биргина мисолда, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга¹ етганида яққол кўриш мумкинлигини таъкидлаб ўтди.

Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори қўшилган қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этди.

Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик (12,2 фоиз), кимё ва нефть-кимё саноати (9,4 фоиз), озиқ-овқат саноати (13,1 фоиз), қурилиш материаллари саноати

¹ Ислом Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 й., 36 бет.

(11,9 фоиз), фармацевтика ва мебелсозлик (18 фоиз) 2011 йилда жадал суръатлар билан ривожланди. Умумий ҳолда саноат тармоқлари ишлаб чиқариш суръатларининг ўсишини 1990 йил даражасига таққослайдиган бўлсак, 2011 йилда бу кўрсаткичлар бир неча марта ўсганини кўришимиз мумкин.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиздаги саноат тармоқларида ишлаб чиқариш суръатлари 3,2 марта ўсган. Ушбу ўсишни таъминлашда, айниқса, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатининг 13 марта, озиқ-овқат саноатининг 6,4 марта, енгил саноатнинг 4 марта ўсиши сезиларли таъсир кўрсатди. Қурилиш материаллари саноатининг ўсиши дастлабки 10 йил ичида, яъни 2000 йилда 58,4 фоизни ташкил этган бўлса, кейинги йилларда мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган эътибор ҳамда яратилган шарт-шароитлар натижасида 2011 йилдаги ўсиш 1,5 мартани ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2011 йилда 11,2 фоизга ўсди, 2000 йилга нисбатан эса бу кўрсаткич 4 баробардан зиёд ошди.

Мамлакатимизда ўтган даврларда саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: мақсадли дастурларни амалга ошириш; инфратузилмани шакллантириш (сув, газ, электр энергияси, транспорт ва бошқалар); енгил саноат соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш; чарм хомашёсини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлаш; халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ва улар билан бозорни тўла таъминлаш; қурилиш материаллари индустриясини ривожлантириш; саноатни ривожлантиришда банк кредитлари таъсирчанлигини ошириш; саноатни ривожлантиришда қўшма корхоналарнинг улушини ошириш; маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш; маҳаллийлаштириш дастури ва халқаро саноат

ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида яратилган имтиёз ва преференциялардан кенг фойдаланиш; ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти кўламини кенгайтириш, кичик корхоналар маҳсулотларини экспортга йўналтиришга кўмаклашиш.

Таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

Бундан кўриш мумкинки, бугунги модернизация жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир пайтда, саноат тармоқларини ривожлантириш, унинг иқтисодий кўрсаткичларини ошириш ва барқарорлигини таъминлашга бўлган эътибор ҳар қачонгидан ҳам устворлик касб этиб бораётганлиги танланган мавзунинг долзарблигини акс эттиради.

Мавзунинг ўрганилганлик даажаси. Иқтисодий ўсишнинг дастлабки назарий масалалари Ф. Кене, Ж.Б. Сей, А.Маршал, Ж.М. Кейнс, П. Самуэльсон, Ф. Хайек ва бошқа кўплаб олимлар томонидан тадқиқ этилган. Ўзбекистонда саноат иқтисодий ўсишининг концептуал асослари Президентимиз И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилиб, кўплаб асар ва марърузаларида баён этилган. Шунингдек иқтисодий ўсишнинг муҳим жихатлари мамлакатимизнинг қатор олимлари, жумладан, А. Абдуғаниев, Х.Баракаев, А.Бекмуродов, А.Вахобов, Ш.Йўлдошев, А.Усмонов, М.Шарифхўжаев, Ш.Шодмонов, С.Ғуломов, Б.Салимов, М.Исоқов, Ш.Мустафақулов ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат тармоқларида иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини яхшилаш йўналишларини тадқиқ этиш орқали назарий-амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Мақсадни амалга ошириш учун ишда қуйидаги аниқ вазифалар белгилаб олинди:

✚ Иқтисодий ўсиш тўғрисидаги турли илмий қарашларни таҳлил қилиб умумлаштириш ва шу асосда бу тушунчанинг мазмунини ёритиш;

✚ Саноат корхоналарида иқтисодий ўсиш, унга таъсир этувчи омиллар ҳамда давлат инновация сиёсатининг саноат корхоналари рақобатбардошлигини оширишдаги ролини очиқ бериш;

✚ Ўзбекистон Республикаси енгил саноатида иқтисодий муносабатларни ўрнатиш ва шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини назарий-амалий жиҳатдан тадқиқ этиш;

✚ Кимё саноати корхоналарининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрнини иқтисодий кўрсаткичлар орқали таҳлил этиш;

✚ “Ўзбеккўмир” ОАЖ молиявий-хўжалик фаолиятининг иқтисодий таҳлилини амалга ошириш;

✚ Саноат тармоқлари тараққиётини янги босқичга кўтаришда инвестицияларнинг аҳамиятини очиқ бериш;

✚ Енгил саноат корхоналарида модернизациялаш жараёнларининг илмий-ташкилий жиҳатларини янада кучайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

✚ “Ўзбеккўмир” ОАЖ иқтисодий омилларини бошқаришни такомиллаштириш бўйича сабабий боғлиқдаги тавсияларни асослаш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат иқтисодий ўсишининг юқори суръатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохот жараёнлари тадқиқот предмети этиб олинган бўлса, мамлакатимизда барқарор ривожланиб келаётган енгил саноат (“Ўзбекенгилсаноат” ДАК) ва кимё (“Ўзкимёсаноат” ДАК), ёқилғи (“Ўзбеккўмир” ДАК) саноати тармоқларининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили ишнинг объекти сифатида ўрганилди.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асослари. Ўзбекистон енгил саноатини ишлаб чиқариш ва бошқарув тизимини барқарор ривожлантиришга доир Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И.А.Каримов асарлари, хорижий ва республикаимизнинг етакчи иқтисодчи олимларининг саноат соҳасида олиб борган илмий изланишлари, тадқиқот натижалари ҳамда шу муаммоларни ёритишга қаратилган илмий адабиётлар хизмат қилади.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот жараёнида иқтисодий тадқиқотларнинг турли усуллари, хусусан, иқтисодий-статистик, қиёсий ва тизимли таҳлил, абстракт-мантиқий, баланс, эксперт баҳолаш, конструктив ва бошқа усуллар қўлланилган.

Диссертация ишининг илмий-амалий аҳамияти. Тадқиқот ишида берилган амалий таклиф ва тавсияларни мамлакатимиз саноати иқтисодий ўсишини юқори суръатларини таъминлаш бўйича иқтисодий ислохотлар ва чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари тадқиқот ишининг материалларидан олий ва ўрта махсус таълимнинг турли босқичларида “Саноат иқтисодиёти”, “Корхона иқтисодиёти” фанларидан тегишли мавзуларнинг ўқув машғулотларини олиб боришда ҳамда мамлакатимиз саноатининг иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини яхшилаш йўналишларига қаратилган, хусусан, Президентимиз маъруза ва нутқларини ўрганишга юналтирилган махсус курсларнинг мазмунини ёритишда фойдаланиш мумкин.

Диссертация ишининг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий ўсишнинг моҳияти тўғрисидаги хорижлик ва маҳаллий олимларнинг илмий-назарий қарашлари ўрганилган;
- Саноат корхоналари ривожига амалга оширилаётган давлат инновация сиёсатининг мазмун-моҳияти меъёрий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан очиқ берилган;
- Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш орқали саноат тармоқларининг ривожланиши ҳолати таҳлил этилган;

➤ Модернизациялаш шароитида саноат тармоқларининг иқтисодий кўрсаткичларини юксалтириш ва уларга ажратилаётган инвестициялар кўламини ошириш йўллари келтириб ўтилган.

Диссертация ишининг таркиби ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, 8 та параграф, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертациянинг **“Саноат иқтисодий ўсишининг мазмуни ва унинг юқори суръатларини таъминлаш омиллари”** деб номланган биринчи бобида иқтисодий ўсишнинг моҳияти тўғрисидаги иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари, фикр-мулоҳазалари ўрганилган, саноат корхоналарининг иқтисодий кўрсаткичларининг моҳияти назарий-услубий томондан очиб берилган ҳамда мамлакатимиз енгил саноатида иқтисодий муносабатларни ўрнатиш ва шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари ёритилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш орқали саноат тармоқларининг ривожланиши ҳолати”** деб номланган иккинчи бобида кимё саноати корхоналарининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни иқтисодий кўрсаткичлар орқали изоҳланган ҳамда **“Ўзбеккўмир”** ОАЖ молиявий-хўжалик фаолиятининг иқтисодий таҳлили, унинг ташкилий-бошқарув структураси, ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш йўналишлари очиб берилган.

Диссертациянинг **“Модернизациялаш шароитида саноат тармоқларининг иқтисодий кўрсаткичларини юксалтириш ва уларга ажратилаётган инвестициялар кўламини ошириш йўллари”** деб номланган учинчи бобида саноат тармоқлари тараққиётини янги босқичга кўтаришда инвестицияларнинг аҳамияти асосланган, енгил саноат корхоналарида модернизациялаш жараёнларининг илмий-ташкилий жиҳатларини янада кучайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган, шунингдек, **“Ўзбеккўмир”** ОАЖ иқтисодий омилларини бошқаришни такомиллаштириш масалалари ёритилган.

1-БОБ. САНОАТ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИНING MAЗМУНИ ВА УНИНГ ЮҚОРИ СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ

1.1. Иқтисодий ўсишнинг моҳияти тўғрисидаги илмий концепцияларнинг ривожланиши

Иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳар қандай мамлакат учун муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга, чунки имкон қадар кўпроқ миқдорда ҳамда юқори сифатли товар ва хизматлар ишлаб чиқаришга эришиш муҳим иқтисодий мақсадлардан бири ҳисобланади. Бунинг натижасида аҳолининг юқори ва сифатли турмуш даражаси таъминланади¹. Шу боисдан иқтисодиётда ушбу масалани чуқур тадқиқ қилишга катта эътибор берилади ва бунинг натижасида иқтисодий ўсишнинг турли назарий концепциялари ва қарашлари вужудга келиб ривожланмоқда.

Миллий иқтисодиётда иқтисодий ривожланиш қийин аниқланадиган жараён бўлганлиги сабабли, унинг меъзонларидан бири бўлган иқтисодий ўсиш кўпроқ таҳлил қилинади. Иқтисодий ўсиш бевосита ялпи ички маҳсулот мутлақ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс ҳаражатлари ҳар бир бирлиги ҳисобига ўсиши, сифатининг яхшиланиши, таркибининг такомиллашувида ифодаланади².

XX аср ўрталаридан иқтисодий ўсиш тушунчаси такрор ишлаб чиқариш назарияларидан ажратилган ҳолда мустақил тадқиқот объектига айлантирилиб ўрганила бошланди. Бунда сўзсиз, мазкур тушунча моҳиятига ғарб иқтисодий адабиётларида баён қилинган илмий қарашлар устуворликка эга. Шу билан бирга, ҳозорги замон иқтисодий назарияларида ҳам иқтисодий ўсишнинг моҳиятига турлича, айрим ҳолларда бир-биридан жиддий фарқ қиладиган қарашлар мавжуд.

¹ Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика: пер с 14-го анг. Изд. – М.; ИНФРА-М, 2002, с 23.

² Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. – Дарелик; Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. - Т.: IQTISODIYOT-MOLIYA, 2010. – 726 бет.

Бу аввало П.Самуэльсон, К.Макконнелл, С.Брю, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензи, С.Фишер каби иқтисодчи олимларни назарий қарашларига тегишли.

П.Самуэльсон иқтисодий ўсиш ўз моҳиятига кўра иқтисодий билимлар ва иқтисодий назариянинг энг мураккаб тадқиқот соҳаси эканлиги таъкидлаш мақсадида, бу тушунчани мазмунини тўғри тушуниш ўз китобининг ҳар иккала жилдида баён қилинган барча иқтисодий воситаларни қўллаш зарур деб ҳисоблайди. Унинг эътироф этишича, турли давлатларда ёзилган барча асосли ишлар иқтисодий ўсишнинг моҳияти ҳақидаги масалага тўла тўқис жавоб бера олмаган. Шу билан бирга, П.Самуэльсон томонидан иқтисодий ўсиш тушунчасига унинг бирор-бир томонини тавсифлайдиган аниқ таъриф берилмайди.

К.Макконнелл ва С.Брю томонидан иқтисодий ўсишга берилган таърифда бу тушунчага миқдорий ёндашиб баҳо берилганлиги анча аниқ ифодаланган. Уларнинг таъкидлашларича, иқтисодий ўсиш назариясига келганда, унинг асосий муаммоси тўлиқ бандлик шароитида ишлаб чиқариш қувватлари ёки ялпи миллий маҳсулот ҳажмини кўпайтириб бориш мумкин деган тарзда қўйилади. Бу қўйилган саволларга мос равишда иқтисодий ўсишни аниқлаш ҳам соф миқдорий ўлчамларда келтирилади, яъни уни ҳисоблашнинг иккита ўзаро боғлиқ усуллари ажратиб кўрсатилади: маълум вақт оралиғида реал ялпи ички маҳсулотнинг кўпайиши сифатида; 2) маълум вақт оралиғида реал ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон боши ҳисобига кўпайиши сифатида¹.

К.Макконнелл, С.Брю иқтисодий ўсишни ҳисоблашга бундай ёндашув билан бирга, қўшимча савол қўйиш орқали уни тўлароқ изоҳлашга ҳаракат қиладилар. Нима учун иқтисодий ўсиш ўз-ўзича иқтисодий ривожланиш ҳамда иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим мақсади сифатида қаралади? Бунинг

¹ Макконнелл К.Р, Брю С.Л Экономика: принципы, проблемы и политика: пер с 14-го англ. Изд. – М., ИНФРА-М, 2002, с 380.

жавоби сифатида таъкидлаш мумкинки, аҳоли жон бошига ялпи миллий маҳсулотнинг кўпайиши аҳоли турмуш даражасининг ошганлигини кўрсатади. Реал маҳсулот ҳажмининг ўсиши моддий мўл-кўлчиликни кўпайтиради ва иқтисодий ривожланишнинг харажатларни энг кам даражага келтириш қондасининг рўёбга чиқарилишини билдиради. Бизнинг фикримизча қўйилган саволга жавобни бошқача шакллантириш ҳам мумкин. Ўсиб боровчи иқтисодиёт ҳам мамлакат ичида ҳам халқаро даражада янги эҳтиёжларни қондириш ва ижтимоий-маданий тадбирларни ҳал қилишнинг катта лаёқатига эга бўлади. Иқтисодий ўсиш ресурсларнинг чекланганлик муаммосини ҳал қилишни енгиллаштирилади. Иқтисодий ўсиш жамиятга қўйилган иқтисодий мақсадларни анча аниқ тўлиқ рўёбга чиқариш ва янги кенг миқёсли дастурларни амалга оширишга имкон беради¹.

Шуни таъкидлаш лозимки, “Экономикс” бўйича бошқа ҳозирги замон дарсликларида ҳам иқтисодий ўсишни реал ялпи миллий маҳсулот ёки соф миллий маҳсулотнинг ўсиши кўрсаткичлари ёхуд иқтисодий фаровонликнинг, яъни маълум вақт оралиғида аҳоли жон бошига миллий даромаднинг ўсиш суръати кўрсаткичи сифатида талқин этилади².

Иқтисодий ўсиш муаммоларини тадқиқ этганлиги учун иқтисодиёт соҳаси бўйича Нобель мукофоти совриндори бўлган америкалик олим Саймон Кузнец иқтисодий ўсишни мамлакат техник тараққиётига, инструментал ва ғоявий мослашувчанликка асосланган аҳолини ўсиб боровчи турли-туман моддий неъматлар билан таъминлашга қодир бўлган ишлаб чиқариш имкониятларининг узоқ муддатли ўсиши сифатида аниқлаш мумкин деб ҳисоблайди³.

¹ Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономика: принципы, проблемы и политика: пер с 14-го анг. Изд. – М.; ИНФРА-М, 2002, с 388

² Самуэльсон П. Экономика – М.; Республика, 2003. С 108 Денисон Э. Исследований различий в темпах экономического роста – М.: Мысль, 2001 с 45-47

³ Kuznets S. Economic Growth of Nations. Total Output and Production Structure. Cambridge, 2001; P 11-14; Kuznets S. Modern Economic Growth. Finding and Reflection American Economic Reuies 2003

Иқтисодий ўсиш назариясини ривожлантиришда Нобель мукофоти лауреати В.Леонтьев томонидан яратилган “харажат-махсулот-чиқариш” иқтисодий таҳлили усули муносиб ҳисса қўшди. Ушбу усулдаги баланс асосида қилинган ҳисоб-китоблар иқтисодиётдаги, ишлаб чиқариш таркиби ва ҳажмидаги, технологиядаги, истеъмол талабидаги, ташқи савдо, инвестиция соҳасидаги, нарх ва даромадлар нисбатидаги ўзгаришларнинг бевосита ва билвосита оқибатларини баҳолашга имкон беради¹.

Бизнинг фикримизга кўра, юқорида баён этилган ёндашувларда иқтисодий ўсишнинг мазмуни тўлиқ очиб берилмаган бўлсада, уни аниқлаш усуллари ҳамда иқтисодий оқибатлари тўғри кўрсатилади ва баҳоланади. Шу билан бирга, бундай ёндашув чекланган ресурслардан фойдаланишни меъёрлаштириш вазифаси ҳал қилинган, ҳўжалик тизими барқарор фаолият қиладиган ва иқтисодий жиҳатдан анча ривожланган тизимлар учун мос келади.

Иқтисодий ўсиш ва миллий иқтисодий потенциал тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги шак-шубҳасиз тўғри. Бироқ, шу ўринда нима учун ҳўжалик амалиётида иқтисодий ўсишни реал таъминлаш қийин кечади деган савол туғилиши табиий.

Иқтисодий ўсиш муаммосининг юқорида кўрсатилган тартибда ифода қилиниши анча ижобий томонларга эгаллигига қарамасдан, бу тушунча барча мураккабликлари ва ўзининг бой мазмуни билан очиб берилмаган. Амалий нуқтаи назардан эса у фақат инвестициялар ва иқтисодий ўсишнинг ўзаро боғлиқлиги нуқтаи назаридан тасаввур қилинади. Инвестицияларнинг иқтисодий ўсиш жараёнидаги ролини махсус тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ, аммо буни иқтисодий ўсиш тушунчасининг асосий мазмунини очиб бергандан кейин амалга ошириш мумкин бўлади.

Иқтисодий ўсиш муаммосига ёндашишга бошқа ҳолат, собиқ совет ва ҳозирги миллий иқтисодий фанда кузатилади. Уларни таҳлил қилиш

¹ Леонтьев В. Экономическое Теории, исследования, факты и политика. М, 2002 с 102-103.

иқтисодий ўсиш муаммосининг предмет соҳасини анча тўғри аниқлашга ёрдам бериши мумкин.

Такидлаб ўтиш жоизки, ўтган XX асрнинг 80-йилларига қадар иқтисодий ўсиш назариясини ишлаб чиқишга кам эътибор берилган. Хатто унга такрор ишлаб чиқаришнинг буржуазияча назарияси сифатида қаралиб, қаттиқ танқид қилинар эди. Шунга қарамасдан, айрим олимлар томонидан бу муаммони тадқиқ қилишга XX аср 70-йилларининг бошидаёқ киришилди. Бунга мамлакатнинг экстенсив ривожланиш имкониятларининг камайиши туфайли иқтисодий ўсиш суъатларининг пасайиши сабаб бўлди.

Дастлабки ишларда иқтисодий ўсишга такрор ишлаб чиқаришнинг миқдорий жиҳати сифатида қараш устун эди. Жумладан, А.И.Анчишкиннинг фикрига кўра, иқтисодий ўсиш авваломбор ишлаб чиқариш ресурсларининг кўпайишини, ишлаб чиқариш кўламининг кенгайишини, маҳсулот ишлаб чиқариш истеъмолига ва ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш ресурсларнинг ўрнини тўлдиришга йўналтирилган оқимнинг ўсишини ифодалайди¹. Кейинчалик у иқтисодий ўсишни ишлаб чиқаришни кенгайиши ва ижтимоий маҳсулотнинг йиллик ўсиш динамикаси билан айнан бир маънони касб этишини таъкидлади.

Бизнинг фикримизча, бундай ёндашувда иқтисодий ўсиш тушунчасининг миқдорий ва сифат жиҳатини очиб беришга ҳаракат қилинган, лекин унда мавжуд иқтисодий муносабатлар ва тушунчаларнинг умумий тизимидан иқтисодий ўсиш муаммосини ажратиб қўйиш ҳақиқатда мумкин эмас.

Иқтисодий ўсиш муаммосига ҳозирги замон ёндашувлар янгича иқтисодий тафаккурга асосланган бўлсада, лекин мавжуд адабиётларда бу тушунчанинг мазмунига берилган бир хил таърифни учратиш қийин. Жумладан, М.А.Сажина ва Г.Г.Чибриковлар “Иқтисодий ўсиш - бу миллий хўжаликнинг кишилар эҳтиёжини қондирувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш

¹ Анчишкин А.И. Прогнозирования роста социалистической экономики. -М., 2003. С. 131.

лаёқатининг ортиши”¹, деб таъриф берадилар. М.В.Сафранчук иқтисодий ўсишга кўрилатган вақт оралиғида содир бўлаётган реал ЯИМ (ёки ЯММ) ҳажмининг нисбий ўзгариши деб таъриф беради².

Иқтисодий ўсиш муаммосига юқорида баён қилинган барча ёндашувларни умумлаштириб айтиш мумкинки, мазкур тушунчанинг тўлиқ тавсифини бериш учун, фикримизча, иқтисодиёт назариясининг умумий услублари тақозо этадиган бир қатор ҳолатларни ҳисобга олиш лозим.

Биинчидан, иқтисодий ўсиш муаммоси иқтисодиёт назариясининг кўплаб муҳим тушунчалари билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, уни таърифлашда тизимли ёндашиш фарқланиб туриши зарур.

Иккинчидан, иқтисодий ўсиш моҳиятини аниқлаш илмий абстракция талаблари билан мос келиши зарур. Чунки бу ерда умумий ва хусусий муаммолар вазиятидан келиб чиқадиган иқтисодий ўсишнинг туркумланиши билан боғлиқ айрим мураккаблиklar пайдо бўлади. Шу сабабли, иқтисодий ўсишни тадқиқ қилишда аниқ теранликка эга алоҳида абстракцияли ёндашув тақозо қилинади. Гап шундаки, бу ерда юқорида таъкидланган сабабларга кўра, иқтисодий ўсишни бир ҳил аҳамиятли миқдорий аниқлаш имкони бўлмаган категориялар даражасигача мавҳумлаштиришга йўл қўйиб бўлмайди.

Иқтисодий ўсиш барча иқтисодий тизимларга хос бўлган ҳодиса бўлганлиги сабабли, уни ўрганишга биринчи навбатда, айнан таркибли ёндашиш амалга оширилиши зарур. Шу сабабга кўра, иқтисодий ўсиш мазмунининг фақат соф миқдорий тавсифи берилиши аниқ кўриниб турган камчилик ҳисобланади. Мазкур вазиятдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу ерда абстракция усулидан фойдаланиш жуда ўринли ва мақсадга мувофиқ.

¹ Сажина М.А., Чибриков Г.Г. Экономическая теория. – М.; Норма-инфра, 2002. С.282.

² Курс экономической теории. Учебник, 4-е дополненное и пере обработанное издание Киров: АСА, 2001. С.558.

Шундай қилиб, юқорида таъкидланган фикрларни жамлаб хулоса чиқарсак, иқтисодий ўсиш ўз моҳиятига кўра иқтисодий тизимлар қисмлари яхлитлигининг шундай даражасини акс эттириши зарурки, унинг фарқ қилувчи сифат белгиси ривожланишнинг реал ҳолатини ва имкониятини ўзида мужасса этиши зарур. Бундай ёндашув миллий иқтисодий тизимлар ривожланиши хусусиятлари бўйича фарқларни кўшимча тадқиқ қилишга ёрдам беради.

Ўз-ўзидан аниқки, Ўзбекистон учун ижтимоий йўналтирилган турдаги юқори самарали, ҳозирги замон бозор иқтисодиётини вужудга келтириш муҳим вазифа ҳисобланади. Шундай экан, иқтисодий ўсишни таъминлашда чекланган иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш талаб этилади. Бу фақат харажатлар қисқариб борганда ишлаб чиқариш натижаларини ошириб боришни таъминлайдиган тармоқлар ҳисобига чуқур таркибий ўзгаришлар рўй бериш шароитда ҳақиқатга айланиши мумкин.

Шу сабабли иқтисодий ўсиш мазмунини фақат битта миқдорий тавсиф билан чеклаш мумкин эмас. Унга ялпи миллий маҳсулотни яратиш ва унда фойдаланиш жараёнида рўй берадиган таркибий ўзгаришлар таъсири орқали баҳо бериш зарур.

Шундай экан, бизнинг фикримизга кўра иқтисодий ўсиш - бу реал ялпи миллий маҳсулот мутлақ ҳажмининг, аҳоли жон бошига ва иқтисодий ресурс кўплиги ҳисобига нисбий миқдорнинг ортиб, таркиби такомиллашиб ҳамда ҳолати яхшиланиб боришига айтилади.

Иқтисодий ўсиш моҳиятига берилган бу таъриф алоҳида олинган мамлакатнинг иқтисодий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ва иқтисодиётда ҳамда миллий маҳсулот таркибида рўй бераётган ижобий ўзгаришларни энг тўлиқ даражада акс эттиради.

1.2. Саноат корхоналарида иқтисодий ўсиш, унга таъсир этувчи омиллар ҳамда давлат инновация сиёсатининг саноат корхоналари рақобатбардошлигини оширишдаги роли

Жамият аъзоларининг хилма-хил ва юксалиб бораётган эҳтиёжларини кондиришнинг бирдан-бир воситаси бу иқтисодий ўсишдир. Агар иқтисодий ўсиш булмаса ҳеч қандай жамият ривожлана олмайди, эски иқтисодий тизим ўрнига янгиси келмайди, иқтисодий прогресс юз бермайди. Иқтисодий ўсиш деганда кишиларнинг талаб-эҳтиёжини кондириш учун зарур бўлган моддий маҳсулот ва хизматларни, яъни барча ноз-неъматларни ишлаб чиқаришнинг кўпайиб бориши тушунлади. Иқтисодий ўсиш исталган буюмларни эмас, балки ишлаб чиқариш воситалари, ресурсларни ҳам ривожлантиришни англатади ва шу орқали булғуси истеъмолни кондиришни ҳам мулжаллайди. Ишлаб чиқариш фаолияти жамият ҳаётининг бирламчи асоси бўлганидан иқтисодий ўсиш ижтимоий тараққиёт учун моддий замин яратиб беради. Жамиятдаги чуқур ва сифатли ўзгаришлар иқтисодий ўсиш суръатларига қараб юз беради. Иқтисодий ўсиш жамиятда ишлаб чиқариш ҳажмини ёки аҳоли жон бошига яратилган маҳсулотлар ва хизматлар ҳажмини ортиб бориши билан ўлчанади. Уни реал ялпи миллий маҳсулот ёки реал миллий даромаднинг кўпайиб бориши ифода этади. Иқтисодий ўсиш 2 даражада микро ва макро даражада юз беради. Микроиқтисодий ўсиш - бу корхона, хўжалик, фирма ва тармоқ даражасидаги ўсишлар, шу даражада меҳнат қилувчилар иқтисодий фаолиятнинг, гуруҳий фаолиятнинг натижасидир. Макроиқтисодий ўсиш - бутун жамият миқёсидаги, масалан, мамлакат миқёсидаги иқтисодий ўсишдир. У жамият ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаси булади, турли корхона ва тармоқлардаги микроиқтисодий ўсишнинг мажмуи сифатида юзага келади.

Иқтисодий ўсишнинг 2 томони бор. Биринчиси унинг кўлами, у ишлаб чиқариш ҳажмини билдиради, бутун жамиятда қанча маҳсулот ва хизматлар яратилишини, иқтисодий ўсиш натижасида улар ўсиши қандай миқдорда

бўлишини кўрсатади. Масалан, 1-мамлакатда 100 доллар, 2-мамлакатда 50 доллар, 3- мамлакатда 5 доллар. Ўсишнинг сифими миқдоран фарқланиши мамлакат иқтисодий қувватига боғлиқ. Масалан, АҚШ ва Ўзбекистон.2-томони унинг суръатлари булиб, иқтисодий усишни нисбий жихатдан характерлайди, унинг мутлак усишини эмас балки усиш тезлигини курсатади. Иқтисодий усиш 3,5 ёки 10% бўлди деймиз. Бунда усиш илгарилиги ишлаб чиқариш хажмига нисбатан олинади. Масалан, 50 млрд. доллар 55 млрд. долларга етса, бу ерда 100% дан 110% га етгани иқтисодий усиш 10%.Купчилик мамлакатларнинг тарихий тажрибасида тасдиқланган шундай қонуният борки, унга кўра иқтисодий ўсишнинг кўлами ва суръатлари ўзаро тескари мутаносибликда ўзгаради, яъни ўсиш кўлами миқдоран ошган сари, унинг суръатлари пасайишга мойил булади.Масалан, АҚШ да 1950-1975-йилларда реал ЯММ 2,41 марта, 1976-1988-йилларда эса, 1,48 марта купайган, 1-даврда ўсиш юқори бўлган, 2-даврда пасайган, лекин ўсиш кулами катталашган. 1950-йили 1% иқтисодий ўсиш 12 млрд. долларни ташкил этган. 1988-йилда 1% ўсиш 40 млрд. доллардан иборат бўлди.Бу иқтисодиёт кўламининг катталигидан келиб чиқади¹.

Иқтисодий ўсишга таъсир қилувчи ва ишлаб чиқаришда амал қиладиган кучлар унинг омиллари ҳисобланади. Ўсиш юз бермаса иқтисодиёт статик (ўзгармас), аксинча бўлса динамик (ривожланувчи) ҳолатда бўлади. Иқтисодий динамикани эса ишлаб чиқаришни ўстирувчи омиллар таъминлайди.Энг сўнги иқтисодий ўсиш назарияларига кўра омилларнинг асосийлари: Табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати; Мехнат ресурсларининг миқдори ва сифати; Ишлаб чиқаришдаги асосий капитал (фонд) миқдори ва таркиби; Ишлаб чиқаришнинг технология даражаси. Бу ишлаб чиқариш омилларининг хажми ва сифатини билдиради, иқтисодий ўсиш имкониятларини англатади. Ресурсларнинг чекланган бўлиши

¹ Мировая экономика: Учебник / Под ред. проф. А.С.Булатова. – М.: Экономистъ, 2005.

иқтисодий ўсишни ҳам чегаралайди. Умумлашган ҳолда олинганда иқтисодий ўсиш 2 омилга - меҳнат сарфининг массасига ва меҳнат унумдорлигига боғлиқ. Меҳнат массаси ишловчилар сонига ва ишланган вақтга боғлиқ. Меҳнат унумдорлиги эса техника тараққиётига, инвестиция миқдорига, ишловчиларнинг маълумоти ва касбий малакасига, ресурсларнинг жойлашганлигига, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришга боғлиқ. Меҳнат унумдорлиги орқали иқтисодий ўсишни таъминловчи яна бир омил - бу ресурсларнинг турли соҳаларга тақсимланиши ёки ишлаб чиқариш структурасидир. Турли соҳалар нотекис ривожланади, шу сабабли у ерда меҳнат унумдорлиги юқори ва истиқболи катта соҳалар устувор ривожланса, иқтисодий ўсиш тезлашади. Аксинча, унумдорлиги паст соҳаларга ресурслар юборилиб улар ривожлантирилса, иқтисодий ўсиш суст боради.

Саноатда иқтисодий ўсишни таъминлашнинг қуйидаги йўллари мавжуд:

- ишлаб чиқариш структурасини яхшилаш;
- фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш ва маҳсулотнинг техник - иқтисодий даражасини кўтариш, фан ва техника ютуқларини жорий этиш муддатини қисқартириш;
- ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, кооперациялаш, комбинатлаштириш ва ҳудудий жойлаштириш даражасини ошириш;
- бошқаришнинг структурасини, молиялаш, баҳолаш ва кредитлаш ҳамда рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;
- инсон омилини кучайтириш асосида меҳнаткашларнинг ижодий фаоллигини ва ташаббусини оширишни йўлга қўйиш.
- саноатга инвестицияларни кенг жалб қилиш

Саноат иқтисодий ўсишини таъминлашнинг ҳал қилувчи йўлларида яна бири фан-техника тараққиётини жадаллаштириш орқали инновацияларни жорий қилишдир.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш шароитида давлатнинг илмий технологик тараққиёт соҳасида инновация ва инвестиция фаолияти учун зарур иқтисодий имкониятлар яратиш ўз таркибига солиқ, молия, амортизация, кредит ва божхона сиёсати кабиларни қамраб олувчи билвосита тартибга солишни амалга ошириш давлатнинг асосий вазифаларидан саналади.

Давлат томонидан илмий тадқиқот, ва тажриба конструкторлик ишларини рағбатлантириш зарурати фан ва инновация жараёнларининг иқтисодий ўсиш ва миллий саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омили эканлиги, ҳамда янги ишчи ўринлари яратиш манбаи эканлиги билан изоҳланади.

Тадбиркорлик ишлари учун иқтисодий шароитларни шаклланиши билан боғлиқ инновация фаоллигини рағбатлантиришнинг билвосита тадбирларидан бири - бу тадбиркорларга маблағ ва ресурсларнинг сезиларли қисмини инновация жараёнларига йўналтиришга имкон берувчи солиқ ва амортизация сиёсатини юргизишг ҳисобланади.

Давлат томонидан инновация жараёнларини тартибга солишнинг зарурати, аввало, уларнинг иқтисодиёт ва жамият учун аҳамияти ошаётганлиги билан боғлиқдир. Мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти экстенсив ва интенсив омилларнинг мослигига таянади. Ҳозирги даврда ишлаб чиқаришга янги ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодий ўсишга эришиш имконияти чеклангандир. Шу сабабли иқтисодий тараққиётда интенсив омиллар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Демак, инновацияларнинг умумижтимоий моҳиятининг асосий жихати уларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларга ҳал қилувчи таъсири ҳисобланади. Бундан ташқари, инновациялар ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишига, институтционал иқтисодий механизмларга, ижтимоий барқарорликка, атроф-муҳитга, иқтисодий хавфсизлик даражасига ва энг асосийси жаҳон ҳўжалиги тизимидаги миллий иқтисодиётлар рақобатбардошлигига таъсир этади.

Демак, давлат инновация жараёнларини бугунги кунда айнан улар мамлакат тараққиёти истикболини белгилаганлиги туфайли ҳам тартибга солиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, давлат инновация сиёсати 3 асосий йўналишга ажратилади¹:

- Инновация фаолиятини фаоллаштиришни таъминлаш. У ўз навбатида куйидагиларга бўлинади: фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, мамлакатда корхоналар томонидан амалга ошириладиган тижорат инновациялари учун зарур иқтисодий-ижтимоий мухитни яратиш;

- Таълим, маънавият, экология, ижтимоий ҳимоя, муҳофаа каби соҳаларда давлат маъсулияти талабларига жавоб берувчи инновацияларни яратиш ва тарқатиш борасидаги мақсадли дастурлар бўйича давлат буюртмаларини молиялаштириш;

- Алоҳида корхоналар учун манфаатдор, аммо зарур даражада юқори даромад келтирмайдиган ишланмалар ва янгиликларни қўллаб-қувватлаш ва танлаб рағбатлантиришни амалга ошириш.

Юқорида берилган йўналишларни биринчиси, умуман, миллий корхоналар рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган, жумладан, корхоналарда ишчи ўринларини сақлаш ва яратиш бўлиб, мазкур мақсадлар учун солиқ тўловчилар ҳисобидан тушувчи маблағлар сарфланади.

Иккинчи йўналиш таъминотчилар ва индивидуал истеъмолчилар ўртасида бевосита икки томонлама келишувлар асосида ўзлаштирилиши ёки сотилиши мумкин бўлмаган истеъмол бозорига хизмат кўрсатади.

Учинчи йўналиш иккинчи йўналиш билан муносабатга эга, аммо унча кучли бўлмаган оралиқ ҳодисалар учун мос бўлиб, уларнинг ташқи ижтимоий самаралари ўз ўрнига эга ва давлатнинг нотижорат меъзонлари у ёки бу инновацияларга нисбатан қўлланилади.

¹ Ф.Эргашев, Д. Рахимова, А. Сагдуллаев, О.Парпиев, Ш. Зайнутдинов « Инновацион менеджмент. Дарслик». Тошкент ,«Академия».

Айни дамда, инновацион фаолиятини анъанавий ишлаб чиқариш фаолиятдан ажратувчи тамойиллар тавсифи мавжудлигини ҳисобга олиш зарур:

1. инновация характерига эга бўлган ва фақат келгусида қопланиши мумкин бўлган қўшимча харажатларга эҳтиёжнинг мажудлиги. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳар бир алоҳида олинган инновацияларда бу сарфлар индивидуал характерга эга бўлади – улар ҳажми, қайтариш тезлиги кўпгина объектив ва субъектив ҳолатларга боғлиқ бўлади;

2. Инновацияга сарфлар ва уни жорий этишдан олинadиган самара вақт бўйича мос келмайди. Жумладан, қандайдир янги маҳсулотни ишлаб чиқариш бутун даври давомида амалга оширилган сарфлар уни сотиш бошланиши билан қопланмай, маълум муддат ўтишини талаб этади. Инновацияларнинг қопланиш ҳисоб-китобида вақт омили дисконтлаш усулини қўллаш оқали амалга оширилади. Бу ҳўжалик субъектининг жорий ва истиқболдаги манфаатлари бирлигини бузувчи хусусият бўлиб, инновация фаолияти билан шуғулланиш истагига салбий таъсир кўрсатади;

Режалаштирилган натижаларга эришишда ноаниқ унсурлар ва хавфларнинг мавжудлиги.

Илғор инновацияларнинг кичик фойзаларни ташкил этиши, бунда илғор инновациялар нафақат ўзи учун, шунингдек, самарасиз гоёлар учун сарфларни компенсациялайди.

1. Анъанавий ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар молиявий кўрсаткичлари ёмонлашувининг олдини олиш учун алоҳида бюджет зарурати.

2. Анъанавий фаолиятдан фарқ қилувчи инновация фаолиятини баҳолаш меъзонларининг қўлланиши. Масалан “фойданинг йиллик ўсиши” меъзонини ҳар доим ҳам қўллаб бўлмайди, чунки инновация маҳсулоти яқин истиқбол уч-тўрт йилда ҳеч қандай фойда бермасдан, шундан сўнг фойда кескин кўтарилиб кетиши мумкин.

3. Барча ескирган воситалардан тизимли равишда воз кечиш, бу эса ўз навбатида ресурсларни янги ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун озод этиш имконини беради.

4. Натижалардан ресурслар сарфига инвестицияларга қараб узвий алоқанинг йўқлиги.

5. Аниқ оралиқ натижалар бермайдиган инновацияга маблағ сарфлашнинг олдини олиш мақсадида ишни тўхтатиш мумкин бўлган муддатни тўғри танлаш.

Давлат инновация сиёсатининг тадбирлари рақобатни рағбатлантириш, маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш ҳамда стандартлаш кабиларни қамраб олиши зарур.

Давлат томонидан қўллаб қувватлаш бевосита ва билвосита усулларда амалга оширилади. Бевосита усулларга НИОКР ва инновация лойиҳаларни бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш, инновацион фаолият иштирокчилари ҳуқуқларини ҳимоялаш, давлат патент ва лицензия тизимини ташкил этиш, давлат инновация инфратузилмаси ва инновациялар бозорини яратиш, малакали кадрларни тайёрлаш, шунингдек инновация фаолиятини маънавий қўллаб-қувватлаш ва ҳоказолар.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишга, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларида рақобатдошлик кўрсаткичини оширишга эришиш, биринчи навбатда ишлаб чиқариш соҳасини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлашга боғлиқ. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилади¹.

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. - Президент Исломи Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси //Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ўз-ўзидан мамлакатимизда товарлар ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган барча турдаги иқтисодий ресурсларни оқилона ишлатишда асос бўлади.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2011.

1.2.1-расм. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашнинг ресурсларни тежашдаги таъсири.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози турли мамлакатлар иқтисодиётига ўз таъсирини кўрсатишда давом этаётган бир вақтда фан ва технологияни жадал ривожлантириш ва унинг ютуқларидан самарали фойдаланишга талаб тобора ошиб бормоқда. Мамлакатимизнинг замонавий техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар орқали нафақат ички бозорда, балки рақобат кураши кучайиб бораётган жаҳон бозорларида ҳам ўз ўрнини топишида модернизация жараёнлари муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқаришнинг замон талабларига жавоб беришидан корхона ва фирмалар билан бир қаторда истеъмолчилар ҳам наф кўради. Бу ҳолни қуйидаги схемада кўриш мумкин.

Бизга маълумки, ҳар қандай мамлакат миллий бойлигининг ортиши, унинг иқтисодий ўсиши, фақат табиий ресурслар ҳисобидан эмас, балки ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган техника ва технологиясининг ривожланганлик даражасига ҳам боғлиқ. Бу ҳолатни буюк математик П.Пильцер қуйидаги формула орқали изоҳлаган¹:

$$W = P \times T \times n$$

Бу ерда, W – мамлакатнинг бойлиги, P – табиий ресурслар, T – технология,

n – техника тараққиётининг технологияга таъсир даражаси.

2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлида белгиланган асосий вазифалар ҳисобланмиш ислохотларни давом эттириш, чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009 – 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш, макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш ҳамда иқтисодиётнинг асосий етакчи соҳаларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш каби долзарб масалалар жорий йил учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инқирозга қарши чоралар дастурига биноан, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестициялар жалб этиш, биринчи навбатда ички манбаларни йўналтириш асосида иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иккинчидан, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш, учинчидан эса, ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш кўзда тутилган эди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада оқсалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010.

Барча кабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилишга қаратилган дастурлар аввало аҳоли эҳтиёжини тула-туқис ва сифатли товарлар билан таъминлашга қаратилган бўлади. Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озик-овкат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тулдириш юзасидан қушимча чора-тадбирлар тугрисида" ги ПК-1047 сонли қарори ҳам шу мақсадга йўналтирилган бўлиб, унда асосан қуйидагиларга қўпроқ эътибор қаратилган¹:

- Ихтисослаштирилган "Мевасабзавоттайёрловсавдо" компанияларини ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этиш
- Асосий фаолият тури гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашаётган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкасини 50 %га камайтириш
- Гўшт ва сут етиштириш ҳамда уларни қайта ишлашда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган, четдан олиб келинадиган технология ускуналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, ёрдамчи материаллар, таркибий қисм ва компонентларни божхона тўловлари тўлашдан озод қилиш


Президентимиз Ислон Қаримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мулжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қайд этилган муҳим устувор вазифалардан бири ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилашдан иборат экани белгилаб берилди. Маърузада 2011 йилда иқтисодиётга жалб этиладиган барча инвестицияларнинг 36,4 фоиздан ортигини саноатни модернизация қилиш ва технологик янгилаш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Қаримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мулжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2011.

дастурларини амалга оширишга йуналтириш кузда тутилаётгани ҳамда замонавий асбоб-ускуналар харид қилиш харажатлари умумий капитал қуйилмалар ҳажмининг камида 46 фоизини ташкил этаётгани қайд этилди¹.

1.3. Ўзбекистон Республикаси енгил саноатида иқтисодий муносабатларни ўрнатиш ва шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, қутилганидек, амалда 8,3 фоизни ташкил этди, 2000-2011 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди (1.3.1-расм). Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

1.3.1-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда.

Расмдан кўринадики, агар мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари 2000-2003 йилларда 3,8-4,2 фоиз, 2004-2006 йилларда 7-7,3 фоиз, 2007-2008 йилларда эса 9-9,5 фоиз даражасида қутилган бўлса, кейинги йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мазкур кўрсаткичга ҳам ўз таъсирини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва қучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010.

кўрсатди. Бироқ, юқорида таъкидлаб ўтилган омиллар орқали мамлакатимизда 2009-2011 йилларда ҳам ЯИМнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатлари сақланиб қолмоқда.

Мамлакатимиз ЯИМ ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг юқори ўсиш суръатлари мустаҳкам замин тайёрламоқда. Жумладан, 2011 йилда саноат ишлаб чиқариши 6,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 16,4 фоиз ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 16,1 фоизга барқарор юқори суръатлар билан ўсди (1.3.1-жадвал).

1.3.1-жадвал

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш суръатлари, фоизда¹

Кўрсаткич	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Саноат ишлаб чиқариши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш	6,1	4,5	5,7	6,8	6,6
Чакана савдо айланмаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4
Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O‘qituvchi”НМИУ, 2012. – 276 бет.

Жадвалдан кўринадикки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида дунё миқёсида ялпи талаб, савдо ва инвестициялар ҳажмининг сезиларли даражада қисқариши юртимиз иқтисодиётига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатди. Хусусан, инқироздан олдинги 2007 йилда чакана савдо айланмаси ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг қўшимча ўсиш суръатлари даражаси (тегишли равишда 21,0 ва 20,6 фоиз)нинг кейинги йилларда сезиларли пасайиши кузатилди. Бироқ, шуниси эътиборга лойиқки, шундай мураккаб ва қийин шароитда ҳам иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларида иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари сақланиб қолмоқда.

Кейинги йилларда иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганида яққол кўриш мумкин.

Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори қўшилган қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этди.

Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик (12,2 фоиз), кимё ва нефть-кимё саноати (9,4 фоиз), озиқ-овқат саноати (13,1 фоиз), қурилиш материаллари саноати (11,9 фоиз), фармацевтика ва мебелсозлик (18 фоиз) 2011 йилда жадал суръатлар билан ривожланди. Умумий ҳолда саноат тармоқлари ишлаб чиқариш суръатларининг ўсишини 1990 йил даражасига таққослайдиган бўлсак, 2011 йилда бу кўрсаткичлар бир неча марта ўсганини кўришимиз мумкин (1.3.2-жадвал).

Жадвалдан кўринадикки, мустақиллик йилларида мамлакатимиздаги саноат тармоқларида ишлаб чиқариш суръатлари 3,2 марта ўсган. Ушбу ўсишни таъминлашда, айниқса, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш

саноатининг 13 марта, озиқ-овқат саноатининг 6,4 марта, енгил саноатнинг 4 марта ўсиши сезиларли таъсир кўрсатди.

1.3.2-жадвал

Саноат тармоқлари ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши, фоиз (1990=100 фоиз)

Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил	2011 йил*
Саноат – жами	100	123,6	3,2 марта
Ёқилғи саноати	100	127,3	2,2 марта
Қора металлургия	100	58,8	1,6 марта
Рангли металлургия	100	107,4	116,1
Кимё ва нефть-кимё саноати	100	97,5	3,1 марта
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати	100	142,2	13 марта
Қурилиш материаллари саноати	100	58,4	1,5 марта
Енгил саноат	100	159,2	4 марта
Озиқ-овқат саноати	100	150	6,4 марта
Бошқа соҳалар	100	162,6	6,2 марта

**Изоҳ: 2011 йилнинг дастлабки баҳолашмаълумотлари.*

Қурилиш материаллари саноатининг ўсиши дастлабки 10 йил ичида, яъни 2000 йилда 58,4 фоизни ташкил этган бўлса, кейинги йилларда мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган эътибор ҳамда яратилган шарт-шароитлар натижасида 2011 йилдаги ўсиш 1,5 мартани ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2011 йилда 11,2 фоизга ўсди, 2000 йилга нисбатан эса бу кўрсаткич 4 баробардан зиёд ошди.

Мамлакатимизда ўтган даврларда саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- ❖ мақсадли дастурларни амалга ошириш;
- ❖ инфратузилмани шакллантириш (сув, газ, электр энергияси, транспорт ва бошқалар);

❖ енгил саноат соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;

❖ чарм хомашёсини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;

❖ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ва бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлаш;

❖ халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ва улар билан бозорни тўла таъминлаш;

❖ курилиш материаллари индустриясини ривожлантириш;

❖ саноатни ривожлантиришда банк кредитлари таъсирчанлигини ошириш;

❖ саноатни ривожлантиришда қўшма корхоналарнинг улушини ошириш;

❖ маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш;

❖ маҳаллийлаштириш дастури ва халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида яратилган имтиёз ва преференциялардан кенг фойдаланиш;

❖ ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти кўламини кенгайтириш, кичик корхоналар маҳсулотларини экспортга йўналтиришга кўмаклашиш.

Таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

Хўжалик фаолияти самарадорлиги кўп жиҳатдан тармоқ ёки соҳа хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган бошқарув таркибий тузилмасига боғлиқ. Ушбу муҳим назарий қондани ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки палласиданоқ турли тармоқ ёки соҳа хўжалик бошқарув тузилмаларини қайта ташкил этиш орқали

такомиллаштириш масалаларига катта эътибор қаратилди. Натижада, “Иқтисодиётни бошқариш таркибий тузилмасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича республика раҳбариятининг ўз вақтида амалга оширган чоратadbирлари бир қанча собиқ иттифоқ мамлакатларида рўй берган иқтисодиётни бошқаришни йўқотиш ҳолати олди олинishiга имкон берди, мамлакат ичида ва ташқи алоқаларида иқтисодий жараёнларга таъсир килувчи дастакларни ҳукумат ўз қўлида ушлаб турди.

Бизнинг мамлакатимиз нафақат олдин тўпланган ишлаб чиқариш салоҳиятини сақлаб қолишга, балки уни келгусида ривожлантиришга эришди”¹.

Шу ўринда мамлакатимизда ташкил этилаётган хўжалик бирлашмаларининг турларини кўриб чиқиш муҳим услубий аҳамият касб этади. Бу борада ишланмаларни айрим диссертацион тадқиқотларда ҳам учратиш мумкин. Жумладан, С.Юлдашев Ўзбекистонда фаолият юритаётган хўжалик бирлашмаларини қуйидаги кўринишларга ажратади:

- 1) Республика хўжалик бирлашмалари;
- 2) бирламчи ҳолда ихтисослаштирилган тармоқ хўжалик бирлашмаларига бирлаштирилган республика хўжалик бирлашмалари;
- 3) бирламчи ҳудудий хўжалик бирлашмалари корхоналаридан ташкил топган республика хўжалик бирлашмалари;
4. Республика хўжалик бирлашмалари тартибига кирмайдиган ҳудудий хўжалик бирлашмалари.²

Таъкидлаш лозимики, бугунги кунда Ўзбекистонда енгил саноат тармоғи бирламчи ҳолда ихтисослаштирилган тармоқ хўжалик бирлашмаларига бирлаштирилган республика хўжалик бирлашмаси кўринишида ташкил этилган бўлиб, интеграциялашган корпоратив тузилма ҳисобланади.

¹ Юлдашев С.Н. Акциядорлик жамиятларида давлат мулкани бошқариш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари (“Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик компанияси мисолида). Ихтисослик: 08.00.13 – “Менежмент ва маркетинг”. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2010. – Б.54-55.

² Ўша манба, 57-58 бетлар.

Маълумки, “Ўзбекистоннинг қонун ҳужжатларида “корпоратив бошқарув” фақатгина очик акциядорлик жамиятларида махсус шакллантирилган органлар томонидан белгиланган ҳуқуқий нормалар асосида амалга ошириладиган онгли равишда бошқариш жараёни сифатида белгиланган.

“Корпоратив бошқарув” тушунчаси билан боғлиқ (унинг асосини ташкил этувчи) ташкилий ҳуқуқий шакл – “корпорация” эса қонун ҳужжатларида ўз аксини топмаган. Ўзбекистонда ташкил этилган акциядорлик жамиятларини хоржий мамлакатларда кенг тарқалган корпорацияларга тенглаштириш мумкин. Шу билан бирга йирик акциядорлик жамиятлари, уларнинг бирлашмалари (интеграциялашган корпоратив тузилмалар) “компания” номи билан ҳам юритилади. Бундай тузилмаларда корпоратив бошқарув умумий белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади”¹.

Бундан кўринадики, бугунги кунда “Ўзбекенгилсаноат” ДАК фаолияти интеграциялашган корпоратив тузилма кўринишида амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда енгил саноат тармоғидаги хўжалик юритиш ва бошқарув тизимини интеграциялашган корпоратив бошқарув кўринишида ташкил этилишини қуйидаги сабаблар орқали изоҳлаш мумкин:

1. Акциядорлик жамияти узоқ муддатли мақсадни кўзлаган йирик корхоналар учун энг мос келадиган акциядорлик мулкани бошқариш шакли ҳисобланади. “Бу шу билан белгиланадики, акциядорлик сармояси корхонага қимматли қоғозларни (акцияларни) фонд бозорларида сотиш орқали ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ўта зарур бўлган инвестиция ресурсларини кенг жалб этиш имконини беради. Ушбу шаклнинг яна бир устунлик томони шундаки, бунда иштирокчиларнинг (акциядорларнинг) таркибига, устав сармоясига улушнинг миқдори бўйича ҳеч қандай чекловлар йўқ, шунингдек, акциядорлар жамият мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

¹ Ходиев Б.Ю., Беркинов Б.Б. Корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси “ADIB” нашриёти, 2010. - Б. 5-6.

Мулкчиликнинг акциядорлик шаклининг ана шу кўрсатиб ўтилган афзалликлари Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари (корпорация ва уларнинг интеграциялашган тузилмалари)нинг ривожланишига олиб келди”¹.

2. Маълумки, иқтисодиёт тармоқларининг стратегик аҳамиятини ҳисобга олиган ҳолда ундаги акциялар пакетининг асосий қисмини давлат улушида сақлаш бошқарув амалиётидаги муҳим қоидалардан ҳисобланади. Шунга кўра, енгил саноат миллий иқтисодиётнинг муҳим, стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоғи ҳисобланиб, республикамизда муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик бўлган тармоқларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали акция пакетларининг асосий қисми давлатга тегишли бўлган давлат акциядорлик компаниялари ташкил этилди.

3. Енгил саноат тармоғи ишлаб чиқариш ва технологик хусусиятларига кўра турли-туман бўлган, тез ўзгарувчан маҳсулотларни ўз ичига олиб, уларни ишлаб чиқаришни юқори самарадорлик асосида ташкил этиш мулкчилик ва хўжалик юритишнинг турли шакллариغا асосланишни тақозо этади. Шунга кўра, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш енгил саноатда турли мулкчиликка асосланган хўжалик тузилмаларининг пайдо бўлишига олиб келдики, уларни ягона саноат сиёсати асосида бошқариш вазифаларини устун равишда интеграциялашган корпоратив тизимида нисбатан муваффақиятли ташкил этиш мумкин. Чунки, аксарият ҳолларда тармоқ ишлаб чиқаришини мулкчиликнинг турли шакллариغا асосланган корхоналар кўринишида ташкил этилиши турли иқтисодий манфаатларни рўёбга чиқаришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

4. Жаҳон бўйича енгил саноат тез ўзгарувчан ва ҳаракатчан тармоқлардан ҳисобланиб, бунга сабаб тармоқдаги рақобат курашининг кучли ва жадаллиги ҳисобланади. Миллий ва халқаро даражада рақобатбардош бўлиш учун тармоқдаги ишлаб чиқариш жараёнларини мунтазам янгилаш ва такомиллаштиришга интилиш, ҳаракатчанликни

¹ Ўша манба, 80-б.

таъминлаш, моддий-техника базасини янгиллаб туриш керак бўлади. Бунинг учун эса катта миқдордаги молиявий маблағлар талаб қилиниб, бугунги кунда маблағларни жалб этишнинг энг қулай шакли бўлиб акциядорлик жамиятлари ҳисобланади.

5. Енгил саноат корхоналари республиканинг деярли барча ҳудудларида мавжуд ва янгиларини ташкил этиш имконияти катта. Шунга қўра, маҳаллий ҳокимият органлари ҳам ўзларининг ижтимоий-иқтисодий сиёсатларини шу корхоналар фаолияти билан боғлашга ҳаракат қиладилар. Бунинг учун энг қулай ва самарали ташкилий-иқтисодий шакл сифатида корпорациялар ҳисобланади.




1.3.2-расм. “Ўзбекенгилсаноат” давлат-акциядорлик компанияси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари¹.

“Ўзбекенгилсаноат” ДАКнинг бошланғич устав фонди 40 та акционерлик жамиятининг компанияга тақдим этган 7,5 млрд. сўм ҳажмидаги давлат акция пакетлари, шунингдек, қайтадан ташкил этилган “Ўзбеклегпром” ассоциацияси мол-мулки ҳисобига шакллантирилган эди. Ҳозирги вақтда “Ўзбекенгилсаноат” ДАК устав фонди 9,7 млрд. сўмни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Республика енгил саноатини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида. 2002 йил 1 июль, ПФ-3102-сон.

ташқил этади. Компания акцияларининг 90,15% давлат активлари, 9,85% таъсисчи-корхоналар ўртасида тақсимланган.



1.3.3-расм. “Ўзбекенгилсаноат” давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви тузилиши¹.

Давлат активларининг 51% давлат улуши, 39,15% эркин савдога жойлаштирилган акциялардан иборат. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 1 июлдаги “Республика енгил саноатини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-3102-сон Фармонида

¹ Схема қуйидаги манба асосида муаллиф томонидан тузилган: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Республика енгил саноатини ривожлантириш ва бошқаришни ташқил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2002 йил 2 июль, 240-сон.

биноан қайта ташкил қилинган “�збекенгилсаноат” давлат-акциядорлик компанияси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилди (1.3.2-расм).

Шунингдек, ушбу Фармонни бажариш мақсадида 2002 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 240-сон “Республика енгил саноатини ривожлантириш ва бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Қарорда “Ўзбекенгилсаноат” давлат-акциядорлик компанияси таркибига мулкчиликнинг турли шаклларидаги, пахта толасини қайта ишлаш, трикотаж, тикувчилик ва чинни буюмлар ишлаб чиқариш, шунингдек компания уставига зид бўлмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар кириши мумкинлиги белгилаб берилди.

Қарорда “Ўзбекенгилсаноат” ДАКнинг бошланғич устав сармояси компаниянинг устав сармоясидаги давлат улуши ҳисобига акциядорлик жамиятларининг компанияга (тасарруф этиш ҳуқуқисиз) бериладиган акциялари давлат пакетлари, шунингдек қайта ташкил этилаётган “Ўзбекенгилсаноат” уюшмаси мол-мулки ҳисобига шакллантирилиши таъкидланди. “Ўзбекенгилсаноат” ДАК бошқаруви тўққиз кишидан, шу жумладан раис ва унинг уч нафар ўринбосаридан иборат бўлади, ўринбосарлардан бири биринчи ўринбосар ҳисобланади (1.3.3-расм).

Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари белгиланган тартибда компаниянинг юқори бошқарув органлари томонидан сайланади ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади¹.

Бироқ, мамлакатимизда бозор муносабатларининг жадал ривожланиб бориши ислохотларнинг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ иқтисодиётни бошқаришни янада эркинлаштиришни тақозо этар эди. Шунга

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Республика енгил саноатини ривожлантириш ва бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2002 йил 2 июль, 240-сон.

кўра, маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш, корпоратив бошқаруви меъёр ва тамойилларини кенг жория этиш, хўжалик бирлашмаларини унификациялаш ва улар фаолиятини ташкил қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрдаги “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-3366-сон Фармони эълон қилинди.

Фармонда қуйидаги асосий ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этиладиган хўжалик бирлашмалари, яъни таркибига кирувчи корхоналарнинг хўжалик бирлашмасига тегишли бўлган акция пакетлари орқали ана шу корхоналарнинг хўжалик бошқарувини амалга оширувчи акциядорлик компаниялари, шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари; муассис-корхоналар томонидан улар фаолиятига кўмаклашиш учун муассис-корхоналарнинг акциялари пакетларини бошқариш ҳуқуқисиз айрим умумий вазифаларни уларга топшириш йўли билан ихтиёрийлик асосида ташкил қилинадиган уюшмалар хўжалик бошқаруви органлари ҳисобланиши белгилаб берилди. Шунингдек, фармонда хўжалик бирлашмаларининг асосий вазифалари кўрсатиб ўтилган (1.3.4-расм).



1.3.4-расм. Хўжалик бирлашмаларининг асосий вазифалари¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида. 2003 йил 22 декабрь, ПФ-3366-сон.

Хўжалик бирлашмаларининг асосий вазифалари ва функцияларининг белгилаб берилиши мамлакатимиздаги корпоратив бошқарув моделининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллашувига имкон яратди.

1.3.3-жадвал

“Ўзбекенгилсаноат” ДАК уставида давлатга тегишли акциялар пакетларини бошқаришга оид қоидаларнинг белгиланиши¹

Қоидалар мазмуни	Уставнинг бандлари
Компания, Давлат мулк қўмитаси ва Компания ўртасида тузилган шартномага асосан, тармоқнинг акциядорлик жамиятлари устав фондидаги давлатга тегишли акция пакетларининг, яъни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш қўмитаси томонидан унинг устав фондига давлат улуши қўринишида берилмаган давлат пакет акцияларининг ишончли бошқарувчиси ҳисобланади.	I. Умумий қоидалар, 7-банд
Компания унинг таркибига кирувчи, корхона ва ташкилотларнинг давлат мол-мулкни бошқаради, давлат мулкчилиги шаклидаги корхоналарни ўрнатилган тартибда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда, тармоқда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришда ёрдам беради.	I. Умумий қоидалар, 9-банд
Компаниянинг таъсисчиси бўлиб Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, уюшманинг устав фондида пай ва бошқа ҳиссаларини киритган бошқа хўжалик субъектлари ҳисобланади.	I. Умумий қоидалар, 10-банд
Компаниянинг оддий эгаси ёзилган акциялари Компаниянинг таъсисчи ва бошқа иштирокчилари (акциядорлар) ўртасидаги қуйидаги тартибда тақсимланади: давлат улуши – 38251 дона ёки 51,0%; очиқ савдо ва чет эл инвесторларига – 36751 дона ёки 49,0%; шу жумладан: таъсисчилар ўртасида жойлаштирилган – 8541 дона ёки 11,4%; таъсисчилар сотиб олиши лозим бўлган – 2000 дона ёки 2,7%; чет эл инвесторларига сотиш лозим бўлган – 26210 дона ёки 34,9%.	VI. Компаниянинг акциялари, 35-банд

Б.Ходиев ва Б.Беркинов Ўзбекистонда шаклланган корпоратив бошқарув моделини хорижий моделлардан тубдан фарқ қилмаслигини (масалан, Кузатув кенгаши таркиби ва унинг иш юритиш тартиби корпоратив бошқарувнинг немисча модели қоидаларига, давлат акциялари пакетларини ишончли бошқариш чоғида тузиладиган шартнома институти нормалари инглиз-америкача моделга, акциядорлик жамиятларини улардаги давлат улуши асосида холдинг компанияларига бирлаштириш усули Италия

¹ “Ўзбекенгилсаноат” давлат-акциядорлик компанияси устави (янги таҳрир). Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2004 йил 16 июль 1004-сонли қарори билан рўйхатга олинган. Тошкент, 2004.

корпоратив бошқаруви тизимига мос келишини) таъкидлаб, шунга қарамасдан корпоратив бошқарув ўзбекча моделининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини санаб ўтадилар:

1) ўзбекча моделда асосий иштирокчилар сифатида ташқи инвесторлар (шу жумладан хорижий инвесторлар) ва давлат иштирок этади;

2) тижорат банклари корпорациялар фаолиятида акциядорлар сифатида иштирок этмайди. Аммо улар молия-саноат гуруҳлари, холдинг компаниялари каби бирлашмалар иштирокчилари бўлишлари мумкин;

3) давлат ўзига тегишли акциялар пакетларини бошқаришни уларни ишончли бошқарувга топшириш, давлатнинг ишончли вакилини тайинлаш, ишончли бошқарувни амалга оширувчи холдингларни ташкил этиш орқали амалга оширади (1.3.3-жадвал);

4) корпоратив бошқарув органлари – акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, ижро этувчи орган, тафтиш комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш ва уларни тартибга солиш қоидаларида ҳам ўз ифодасини топган¹.

Юқорида қайд этилган ПФ-3366-сонли Фармонни бажариш мақсадида бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ енгил саноатни бошқаришни янада эркинлаштириш, ишлаб чиқаришларни замонавийлаштириш, тугалланган циклга эга бўлган янги ишлаб чиқаришларни яратиш, биринчи навбатда экспорт потенциалини кенгайтириш ва рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун тармоққа инвестицияларни жалб этиш бўйича рағбатлар ва преференцияларни чуқурлаштириш ва кенгайтиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги “Ўзбекенгилсаноат” давлат-акциядорлик компанияси бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва республика енгил саноатини янада ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 141-сон Қарори қабул

¹ Ходиев Б.Ю., Беркинов Б.Б. Корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси “ADIB” нашриёти, 2010, 81-82-б.

қилинди. Қарорда “Ўзбекенгилсаноат” давлат-акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари белгилаб берилган:

- тармоқни барқарор ривожлантиришнинг истиқболли стратегиясини белгилаш;

- ташқи ва ички бозорларда рақобатга бардошли бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, бунда ип йигиришдан тайёр буюмлар ишлаб чиқаришгача бўлган барча технологик жараёнларда маҳсулотлар сифати оширилиши ва қиймати пасайтирилишини назарда тутиш;

- хорижий шериклар билан унча катта бўлмаган, ихчам кўшма корхоналар ташкил этиш, шунингдек енгил саноат корхоналарини хусусийлаштириш ва хусусий мулк этиб бериш масалаларига бутун чоралар билан кўмаклашиш, бунда йирик ҳамда бозор шароитларига мослашмаган улкан корхоналар ташкил этилишига йўл қўймаслик;

- фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш, бунда уларда замонавий илғор асбоб-ускуналар ва технологиялар жорий этилишини назарда тутиш;

- енгил саноат соҳасида жаҳон бозорида етакчи мавқени эгаллаган мамлакатлар тажрибасини чуқур ўрганиш ва маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, бунда тармоқнинг экспорт потенциалини ривожлантиришга ва товарларни ташқи бозорларга киритишга алоҳида эътибор қаратиш;

- тармоқда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, корхоналар ва ташкилотларга ахборот хизматлари кўрсатиш, кенг реклама фаолиятини амалга ошириш, шунингдек ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўرғазмалари ва ярмаркаларини, шу жумладан чет элларда ташкил этиш;

- кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш¹.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, корпорация акциядорлари умумий сонининг 97 фоизини жисмоний шахслар, бор-йўғи 3 фоизини эса юридик шахслар ташкил қилади. Уларнинг умумий қийматидаги улуши эса мос равишда 20 ва 30 фоизга тенг².

Акцияларнинг бундай нисбатда бўлиниши ўзбекча моделда акцияларга эгалик қилиш қонунчилиқда белгиланган тартибда амалга оширилаётганлигидан далолат бериб турибди, яъни давлат улушига кўпи билан 25 фоиз, меҳнат жамоасига кўпи билан 10 фоиз, акцияларнинг қолган қисми – камида 65 фоизи инвесторларга, шундан камида 25 фоизи хорижий инвесторларга, қолган 40 фоиз акциялар эркин савдода сотилади ва унда ҳам хорижий инвестор иштирок этиши мумкин. Акциялар пакетининг бундай нисбатда тақсимланиши корхоналарни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш учун қўшимча ташқи инвестицияларни жалб қилиш ҳамда мамлакатда мулкдорлар қатламини шакллантириш мақсадларидан келиб чиқади³.

Корхоналарга асбоб-ускуналар, техника ва технологияларнинг киритилиши бир қатор йўналишларда амалга оширилиши мумкин:

- 1) корхона мулкдорлари ёки уларнинг ваколатли вакиллари томонидан сотиб олиниши;
- 2) тармоқ ёки бошқа мутассади давлат бошқарув идоралари томонидан сотиб олиниши ва корхонага берилиши;
- 3) миллий ёки хорижий ҳамкор томонидан бадал (улуш, ҳисса, пай ва б.) кўринишида киритилиши ва ҳ.к.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва республика енгил саноатини янада ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2004 йил 25 март, 141-сон.

² Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни жорий этиш муаммолари. Фаттохова Ж.А., Яушев Р.И., Толипов К.Ф., Хамидуллин М.Б. – Тошкент, Иқтисодий тадқиқотлар маркази, 2006, 79-б.

³ Ходиев Б.Ю., Беркинов Б.Б. Корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси “ADIB” нашриёти, 2010, 81-б.

Бу ўринда киритилаётган асбоб-ускуна, жиҳоз, техника ва технологиянинг янгилик ва замонавийлик даражаси турлича бўлиши мумкин. Айни пайтда, корпоратив тузилмаларда ушбу ҳолат маълум салбий кўринишларни, хатти-ҳаракатларни келтириб чиқариши мумкин.

Шунга кўра, тармоқ бошқаруви томонидан корхоналарга янги ва замонавий техника ва технологияларнинг киритилишини рағбатлантирувчи ва таъминловчи тартибнинг жорий этилиши муҳим ҳисобланади. Шунинг эътиборга олган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг 141-сонли Қарорида “Ўзбекенгилсаноат” давлат-акциядорлик компаниясининг янги корхоналар қурилиши ва ишлаб турганларининг реконструкция қилиниши фақат янги, илгари ишлатилмаган технология асбоб-ускуналарини ўрнатиш асосида амалга оширилиши тўғрисидаги баёноти маълумот учун қабул қилинган.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш, маҳсулот ва хизматлар рақобатбардошлигини таъминлаш кўп жиҳатдан ходимларнинг сифат даражасига, уларнинг билими ва малакасига боғлиқ. Бу эса тармоқ корхоналарини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш муаммосини келтириб чиқаради. Шунга кўра, юқорида қайд этиб ўтилган қарорда ҳукумат томонидан “Ўзбекенгилсаноат” давлат-акциядорлик компанияси 2004 йил 1 июлгача енгил саноат корхоналари учун Кадрлар (менежерлар ва технологлар) малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш марказини ташкил этиши кўрсатиб ўтилган.

Бундан кўринадики, ҳозирда республика енгил саноат корхоналарининг аҳамиятли қисми 8 та тармоқ (пахтани қайта ишлаш, трикотаж, тикувчилик, ипакчилик, жунчилик, нотўқима, пахта ва чинни) корхоналарини бирлаштирувчи “Ўзбекенгилсаноат” Давлат-акционерлик компаниясига тўғри келади.

2010 йилнинг 1 май ҳолатига “Ўзбекенгилсаноат” ДАК таркибига 217 та хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан: 102 та тўқимачилик корхоналари, 78 та тикувчилик-трикотаж корхоналари, 30 та ипакчилик корхоналари, 7 та тижорат корхоналари киради.

Бугунги кунда ДАК компания таркибига кирувчи корхоналар фаолиятини мувофиқлаштиради, корпоратив бошқарув ва кооперация алоқалари доирасида уларнинг умумий манфаатларини намоён этади ва ҳимоя қилади.

1-боб бўйича хулосалар:

Муаллиф томонидан иқтисодий ўсиш, унинг омиллари тўғрисидаги етакчи хорижлик иқтисодчи олимларнинг, шунингдек, маҳалли олимларнинг бу борадаги тадқиқотлари умумлаштирилиб ягона назарий-услубий ечимга келинган ҳамда иқтисодий ўсиш параметрлари сабабий боғлиқликда таҳлиллар амалга оширилган. Бундан кўринадики, мамлакат тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда иқтисодий ўсишнинг аҳамияти, айниқса саноат маҳсулотларининг ўсиши каби масалаларнинг ҳукуматимиз томонидан устуворлик берилаётганлиги бунинг яққол далилидир. Мамлакатимизда инвестиция муҳитининг барқарорлиги ва инвестицион жозибадорликнинг тўғри йўлга қўйилгани ҳам хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун замин бўлмоқда. 2012 йилда сўм қийматида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг ажратилиши 4 340 656 миллион сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Инвестицион жозибадорлик объект сифатида муайян бир миқёсда, яъни биронта лойиҳа, корхона, минтақа, тармоқ ҳамда мамлакат даражасида кўрилиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари муҳим инвестиция институти ҳисобланади. Чунки иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва модернизация қилиш, корхоналарда ишлаб чиқаришни технологиялар билан қайта жиҳозлаш мақсадида қўйиладиган инвестицияларни маблағлар билан таъминлашни банклар иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, 2012 йилги Инвестиция дастурида 3524824 миллион сўм маблағ айнан тижорат банклари томонидан кредит маблағлари сифатида йўналтирилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ОРҚАЛИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ҲОЛАТИ

2.1. Кимё саноати корхоналарининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни

Кимё саноати республика иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади ва юқори экспорт салоҳиятига эгадир. Унинг ўзига хос ҳолати саноат ялпи маҳсулотидаги (5 фоиз атрофида), саноат мажмуидаги (20 фоиздан юқори) улушининг катталиги ва ривожланишнинг бошқа тармоқлар, аввало, иқтисодиётнинг аграр сектори билан ўзаро узвий алоқада эканлиги билан асосланади, чунки у қишлоқ хўжалиги учун жуда муҳим бўлган минерал ўғитлар ишлаб чиқаради. Шунинг учун кимё саноатининг ривожланиши иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида устувор умумдават вазифаси ҳисобланади. Бу тармоқ ривожланишининг асосий йўналишлари қуйидагилар саналади: мавжуд минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш; минерал ўғитлар ассортиментини оптималлаштириш; эскирган қувватларни босқичма-босқич алмаштириш билан замонавий ишлаб чиқаришларни қуриш; ички бозор ва экспорт учун кимё маҳсулотларининг янги, кўп илм талаб қиладиган турлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш; азотли ўғитларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш¹.

Кимё саноати корхоналари маҳсулотлари машинасозлик (пластмасса, шиша), тўқимачилик саноати (тола, бўёқ), қишлоқ хўжалиги (ўғитлар, захарли кимёвий моддалар), транспорт (мотор ёқилғиси, ёғлаш учун ишлатиладиган мойлар, синтетик каучук), қурилиш (химоя пленкаси, шиша, пластик) ва бошқа тармоқларнинг эҳтиёжлари билан белгиланади.

¹ Қаримов И.А. Закрепляя достигнутые результаты, последовательно стремиться к новым рубежам // Газета «Народное слово». – 2006, 11 февраля.

Ўзбекистон Республикаси кимё саноати узоқ ривожланиш тарихига эга. Дастлабки кимё корхоналари XX асрнинг 30-йилларида ташкил қилинган. Мамлакат қишлоқ хўжалигининг минерал ўғитлар ва пестицидларга эҳтиёжи кенглигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қатор йирик кимё корхоналари яратилган бўлиб, бу келгусида Марказий Осиёда энг кучли кимё комплексларидан бирини яратишда мустаҳкам тамал тоши бўлиб хизмат қилди.


Кимё саноати ўзига хос бўлган айрим хусусиятларга эга.

Биринчидан, бу тармоқ кўпинча қатор янги хислатлари билан табиий материаллардан анча устун келадиган янги материаллар яратади. Бу материаллардан фойдаланиш одамлар меҳнатини эҳтиёт қилади ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини тежайди. Масалан, капрон ишлаб чиқаришда табиий ипак олишга нисбатан 20 барабар кам меҳнат сарфланади.

Иккинчидан, кимё саноати ишлаб чиқаришни бирлаштиришда (комбинациялашда) катта имкониятларга эга. Масалан, кўмир, нефть, газни қайта ишлашда энергия олиш, шунингдек, улардан саноатда фойдаланиш учун қимматли кимёвий маҳсулотлар (бензин, парафин) олиш билан бир пайтда энергия-кимё комбинатлари қурилади.

Учинчидан, кимё саноати жуда катта хом ашё базасига эга: у хом ашё сифатида турли фойдали қазилмалар, ёғоч, сув, ҳаво ва турдош чиқитлардан фойдаланади. Бироқ бу саноат учун асосий хом ашё бўлиб нефтни қайта ишлаш ва кўмирни кокслашнинг чиқитлари, яъни махсус тайёрланган чиқитлар хизмат қилишда давом этмоқда.

Кимё саноати бир нечта тармоқларни қамраб олади: 1) тоғ-кон-кимё саноати (минерал хом-ашё қазиб олиш); 2) асосий кимё (кимёвий тузлар, кислоталар, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш); 3) органик синтез кимёси (ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш); 4) полимерлар кимёси (пластмасса, каучук, турли толалар тайёрлаш); 5) полимер материалларга ишлов бериш (шина, полиэтилен пленкалар ишлаб чиқариш) (2.1.1-расм).



Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

2.1.1-расм. Республика кимё саноатининг тармоқ тузилмаси.

Ўзбекистон кимё саноати табиий газнинг арзонлиги ва нисбатан паст таннарх билан минерал ўғитлар ишлаб чиқариш имконияти билан жозибали ҳисобланади. Шу билан бирга, тармоқ корхоналарини модернизациялаш талаб қилинади, чунки улар ўтган асрнинг 60-70 йилларида қурилган, фойдаланилаётган асбоб-ускуналар эса техник ва маънавий жиҳатдан эскириб қолган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2001 йилгача фаолият кўрсатиб келган «Ўзкимёсаноат» уюшмаси тузилмалари хусусийлаштириш ва ислоҳ қилиш бўйича умумий стратегиянинг амалга оширилишини тўлиқ таъминламаган. Кимё саноатининг етакчи корхоналарини акциядорлаштириш, маҳсулотларни реклама қилиш ва маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича хусусийлаштиришдан олдинги зарур чора-тадбирлар бўйича

ҳаракатларни амалга оширмаган. Шу сабабли, кимё саноати корхоналари ва ташкилотлари иқтисодий самарадорлигини ошириш ва бошқарув тизимини такомиллаштириш, кимё ишлаб чиқаришини ривожлантириш, техник қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 13 мартдаги 124-сонли Қарори билан очиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклидаги «Ўзкимёсаноат» Давлат акциядорлик компанияси ташкил этилган ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди¹:

- биринчидан, кимё саноати корхоналарини хусусийлаштириш ва чуқур ислоҳ қилиш, бу мақсадга маҳаллий ва хорижий инвесторларни кенг жалб этиш;

- иккинчидан, кимё саноатини барқарор ривожлантириш, республиканинг минерал ўғитлар ва бошқа кимё маҳсулотлари турларига эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган ўрта муддатли ва узоқ муддатли ривожланиш дастурлари ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- учинчидан, кимё маҳсулотлари ташқи бозорлари маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш ва шу асосда экспорт салоҳиятини кенгайтиришни таъминлаш, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни экспортга чиқаришни кўпайтириш;

- тўртинчидан, кимё саноатини модернизациялаш, қайта таъмирлаш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилган умумий техник сиёсатини амалга ошириш, ресурс тежайдиган самарали технологияларни жорий қилиш, бутловчи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш;

- бешинчидан, замонавий менежмент усулларини биладиган ва бозор шароитларида самарали ишлай оладиган муҳандис-техник ва бошқарув

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 13 мартдаги 124-сонли “Ўзкимёсаноат” Давлат акционер компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори.

кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш.

Ташкил қилиш жараёнида 51 фоиз акциялар пакетини давлат мулкида сақлаб қолган ҳолда «Ўзкимёсаноат» ДАК низом фонди шакллантирилди. Кейинги йилларда «Ўзкимёсаноат» ДАК тузилмасида туб ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 январдаги 17-сонли «Кимё саноати корхоналари бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмат кўрсатишини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори билан «Ўзқишлоқхўжаликкимё» ДАКни тугатиш ва «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик бирлашмаларини «Ўзкимёсаноат» ДАК таркибига киритган ҳолда «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларига айлантириш ҳақида қарор қабул қилинди¹. Компания таркибига 12та акциядорлик жамиятлари ва «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик бирлашмалари киритилди (2.1.2-расм).

Бу ўзгаришлар асосида «Ўзкимёсаноат» ДАКнинг янги асосий вазифалари белгилаб берилди:

- кимё саноатини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилган умумий техник сиёсати юритиш, ресурс тежайдиган самарали технологияларни жорий қилиш, бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш;
- маркетинг тадқиқотлар ўтказиш ва қишлоқ хўжалигининг минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларига, шунингдек, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари рақобатбардош кимё маҳсулотларига жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини аниқлаш;
- рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтиришга йўналтирилган тармоқни ривожлантиришнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 январдаги 17-сонли «Кимё саноати корхоналари бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмат кўрсатишини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

ўрта ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг йиллик балансларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;


- минерал ўғитлар ва дефолиантлар сотиш бўйича ҳар йилги ярмарка савдолари ўтказишни ташкил қилиш;

- хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб этган ҳолда кимё саноати корхоналарини хусусийлаштириш ва чуқур ислоҳ қилиш.

Бундан ташқари, замонавий менежмент усуллари биладиган ва бозор шароитларида самарали ишлай оладиган муҳандис-техник ва бошқарув кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш.

Бугунги кунда «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибига 12та йирик саноат корхонаси, кимё маҳсулотларини қишлоқ хўжалигига сотиш бўйича 13та минтақавий дистрибьюторлик ташкилоти, лойиҳа ва илмий-тадқиқот институтлари, транспорт-экспедиция компанияси ва учта қўшма корхона киради. Тармоқнинг «Ўзкимёсаноат» ДАК таркибига кирадиган ва акциялар пакетлари орқали бошқариладиган асосий корхоналарига қисқача тавсиф бериб ўтамиз.

«Навоиазот» ОАЖ табиий газни комплексли қайта ишлаш корхонаси сифатида ташкил этилган бўлиб, минерал ўғитлар, органик синтез маҳсулотлари тўплами ва нитрон толалар чиқаради. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 1964, 1967, 1970 йилларда киритилган. Ацетилен, ацетальдегид, уксус кислотаси, цианид кислотаси, натрий цианид, акрил кислота никрили таркибида органик ишлаб чиқариш 1968-1971 йилларда жорий қилинган. Нитрон синтетик толаси ишлаб чиқаришнинг иккинчи навбати 1983 йил ишга туширилган. 1977 йилда «Катализатор» ишлаб чиқариши эксплуатацияга топширилган. Каустик сода ишлаб чиқариш 2002 йилнинг 1 январидан йўлга қўйилган.



Манба: "Ўзбеккимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси маълумотлари асосида тузилган.

2.1.2-расм. "Ўзбеккимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси ташкилий тузилмаси.

Корхона фаолиятининг асосий ишлаб чиқариш йўналиши бу – аммиакли селитра, нитрон толаси, уксус кислотаси, олтин қазиб олиш саноати учун кимёвий реагентлар ишлаб чиқаришдир.

«Навоиазот» ОАЖ акциялари пакетининг 51 фоизи давлатга, 49 фоизи эса ташқи инвесторларига тегишлидир.

«Фарғонаазот» ОАЖ минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг асосий турлари қуйидагилардан иборат: суюқ техник аммиак, аммиакли селитра, карбамид, целлюлоза диацетати, уксус ангидриди, натрий хлорат, магнийли дефолиант хлорат, куруқ муз ва суюқ карбонат кислота. Бутун Фарғона водийси ва республика вилоятларининг бир қисмини минерал ўғитлар билан таъминлаш корхонани ажратиб турувчи жиҳатлар ҳисобланади. Бундан ташқари, халқаро стандартларга жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Корхона учун асосий афзалликлар ва фойда сотув бозорининг катталиги ҳисобланади. Республикамиз ичида ҳам, хорижий мамлакатларда ҳам ушбу корхона маҳсулотларига талаб катта.

«Фарғонаазот» ОАЖ акциялари катта қисми (47 %) хорижий инвесторларига тегишлидир.

«Аммофос» ОАЖ (Олмалиқ шаҳри) мураккаб азотли-фосфорли минерал ўғитлар (аммофос, аммоний сульфат, аммоний сульфат фосфат, супрефос) ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхона Ўзбекистонда етакчи фосфорли ўғитлар ишлаб чиқарувчи ҳисобланади, унинг бозордаги улуши тахминан 85 фоизни ташкил қилади. Корхона маҳаллий хом ашёни қайта ишлашга 2005 йилда тўлиқ ўтган.

Хорижий инвесторлар томонидан тақдим этилаётган қўшимча молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини халқаро стандартларга мувофиқ яхшилаш бўйича яхши тузилган инвестицион режага эга бўлган ҳолда, «Аммофос» ОАЖ келгусида ўз фойдалилигини ошириши ва халқаро бозорларда бошқа ишлаб чиқарувчилар билан рақобат қилиши мумкин.

«Аммофос» ОАЖ Қизилқум хом ашёсининг асосий истеъмолчиси ҳисобланади. Корхона фосфорли ўғитлар ички бозорининг катта қисмини назорат қилади. Республиканинг бу турдаги ўғитларга эҳтиёжи, асосли маълумотларга кўра, 700 минг тоннадан ортади, таклиф эса – зарур миқдордан тўрт баравар кам.

Корхона акциялари пакетининг 51 фоизи давлатга, 49 фоизи эса ташқи инвесторларга тегишли.

«Самарқандкимё» ОАЖ асосий фаолияти республика қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун мураккаб азотли-фосфорли ўғитлар (аммофос) ишлаб чиқариш ҳисобланади. Корхонада янги ўғит тури – НКФУ (нитрокальцийфосфат ўғити) ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бормоқда, ўз ҳислатлари бўйича у кўпроқ мувозанатланган ҳисобланади, уни ишлаб чиқаришда тақчил сульфат кислота ўрнига азот кислотасидан фойдаланилади. Маҳсулотга ички бозорда талаб катта ва у озиқа таркибий қисмларининг мувозанатланган таркиби туфайли қишлоқ хўжалиги экинларининг барча турлари учун, турли ҳудудларда ва турли ҳар хил тупроқ турларида фойдаланилади. НКФУ таркиби бўйича аммиакли ва фосфорли ўғитларга нисбатан кўпроқ мувозанатланган саналади.

«Самарқандкимё» ОАЖ акциялари пакети қуйидаги нисбатда тақисмланган: 51 % давлат ва 49 % хорижий инвесторлар улуши.

«Қўқон суперфосфат заводи» ОАЖ ҚК асосан аммонийлаштирилган суперфосфат ишлаб чиқаришга ихтисослашади ва бу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ягона корхона ҳисобланади. Ушбу ОАЖ қўшма корхона ҳисобланади ва акцияларнинг 85,2 % хорижий ҳамкорларга, қолган қисми меҳнат жамоаси ва ташқи инвесторарга тегишли.

Фарғона фуран бирикмалари кимё заводи 1946 йилда гидролиз заводи сифатида ташкил этилган. Ўз вақтида заводда 30дан ортиқ маҳсулот турлари (фурфурол, ем учун хамиртуруш, озиқа ксилити, ксилитан, коллактивит, фурфурил спирт, тетрогидрофурил спирт, синтетик смолалар, техник этил спирти, полифурит, сополимер, катализаторлар, «ВСТ»

универсал тозалагич ва б.) ишлаб чиқарилган. 2002 йил январдан бошлаб альфа-целлюлоза чиқариш бўйича янги ишлаб чиқариш ишга туширилган. Целлюлоза ишлаб чиқариш эксплуатацияга топширилган. Корхона халқаро стандартларга мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариши мумкин. У Фарғона водийсининг вилоят марказида жойлашган бўлиб, республикада альфа-целлюлоза ишлаб чиқарувчи ягона корхона ҳисобланади. Ишлаб чиқарилаётган целлюлоза импорт ўрнини босувчи маҳсулот ҳисобланади. Корхона акциялари пакети 100 фоиз “Ўзкимёсаноат” ДАКсига бошқарув учун берилган.

Фарғона кимёвий толалар заводи 1969 йилнинг 29 декабридан фаолият кўрсата бошлаган. Ушбу корхонанинг ажратиб турадиган жиҳати шундаки, у республикада ацетатли иплар, полиамид-6 ва корд матосининг ягона ишлаб чиқарувчиси саналади. Корхона чиқараётган маҳсулотлар экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ҳисобланади. Ушбу заводнинг акция пакети (100 %) давлатга тегишли.

«Жиззах-пластмасса» ОАЖ. Жиззах пластмасса заводи 1972 йилда ишга туширилган бўлиб, Ўзбекистонда полиэтилен пленка, қувур ва халқ истеъмоли товарлари энг йирик ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда завод иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги ва қурилиш тармоқлари учун полиэтилен пленка ва қувур етказиб берувчи асосий таъминотчи бўлиб қолмоқда. Корхонанинг 20та қувур линияларида чиқарилаётган диаметри 20 мм.дан 255 мм.гача бўлган қувурлар газ ва сув таъминоти, коммунал ва қишлоқ хўжалиги, қурилиш, ичимликлар ишлаб чиқариш ва қуйиш бўйича корхоналарда кенг қўлланмоқда.

Корхона акциялари пакетининг 25 % давлатга, 17 % меҳнат жамоасига, 58 % эса ташқи инвесторларга тегишлидир.

«Электрохимзавод» АЖ ҚК ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари ишлаб чиқариш бўйича 20 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлган ихтисослашган корхона ҳисобланади. Ушбу қўшма корхона

акцияларининг 55 фоизи хорижий инвесторларга, 26 фоизи давлатга, 19 фоизи эса юридик ва жисмоний шахсларга тегишлидир.

Завод фаолият кўрсатиб келаётган давр мобайнида чиқарилган препаратлар умумий сони 30дан ортиқ номга эга. Чиқарилаётган препаратлар ғўза, кунгабоқар, соя, карам, помидор ва бошқа экинларда бир йиллик бегона ўтларга, шунингдек, мева-сабзавот экинлари зараркунандаларига (кана, ўсимлик бити, колорадо қўнғизи ва б.) қарши кураш учун қўлланади.

«Ўзкимёсаноатлойиҳа» ОАЖ асосий фаолият тури самарали тежамкор ва энергия сиғими катта технологик жараёнлар, агрегатлар ва бутловчи қисмлар яратиш ва кимё саноатида ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича конструкторлик ва лойиҳа ишларини бажаришдан иборат. Институт тармоқ корхоналарида целлюлоза, натрий хлорат ва магнийли дефолиант хлорати, каустик сода ва хлор маҳсулотлари, қуюқлаштирилмаган азот кислотаси ва аммиакли селитра, кальцинацияланган тузлар ва калийли ўғитлар ишлаб чиқариш қурилишини қайта таъмирлашнинг бош лойиҳачиси ҳисобланган. Ушбу акциядорлик жамияти акция пакетининг 51 фоизи давлатга, 2,5 фоизи меҳнат жамоасига ҳамда 46,5 фоизи хорижий инвесторларга тегишлидир.

Қўнғирот сода заводи 2006 йилда ишга туширилган. Корхонанинг лойиҳа қуввати йилига 100 минг тонна кальцинацияланган содани ташкил этади. Хитойнинг «Ситис» компанияси «Ўзкимёсаноат» ДАК билан лойиҳага мувофиқ заводнинг қиймати 32,2 млн. АҚШ долларига тенг бўлган технологик қисмини лойиҳалаштириш ва «turn key» қуришни амалга оширган. Лойиҳанинг технологик қисми Хитой экспорт-кредит суғурта корпорацияси (шартнома баҳосининг 90 фоизи) ва «Ўзсаноатқурилишбанк» кредити (шартнома баҳосининг 10 фоизи) суғурта кафолати остида Хитой Саноат-тижорат банкининг кредити ҳисобига молиялаштирилган.

Завод учун хом ашё базаси бўлиб Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган Борсакелмас ош тузи кони (топилган захиралар – таркибида NaCl 97 фоиздан ортиқ бўлган 131 млн. тонна ош тузи) ва Жамансай оҳактош кони (захиралар 70 млн. тонна атрофида) хизмат қилади. Қўнғирот сода

заводининг ишга туширилиши республиканинг кальцинацияланган содага эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш муаммосини ҳал қилишдан ташқари кальцинацияланган ва каустик сода, ош тузини экспорт қилишга имкон беради.

Кўриб турганимиздек, кимё саноати республиканинг турли вилоятларида катта ишлаб чиқариш ҳудудларини қамраб олган йирик корхоналарга эга. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, кимё саноати корхоналарида рўй бераётган барча хусусийлаштириш жараёнлари уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига – қайсиларига камроқ, қайсиларига эса кўпроқ таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Қатор корхоналарда акциялаштириш ва хусусийлаштириш жараёнлари, жумладан, акциялар пакетларини хорижий инвесторларга сотиш ишлаб чиқариш майдонларини кенгайтиришга ва республикани Киме соҳасида янги маҳсулотлар билан таъминлашга имкон берди, бу эса, умуман олганда, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмининг ўсишига хизмат қилди.

Хусусийлаштиришдан кейинги даврда низом фондида давлат иштирокига эга бўлган акциядорлик жамиятлари фаолият самарадорлиги ва кимё саноати корхоналари ҳозирги бошқарув тизимининг таҳлили куйидагиларни аниқлаб берди.

Биринчидан, республика кимё тармоғида бугунги кунда акциядорлик жамиятларида акциядорлар ҳуқуқларини ва давлат корхоналарини самарали бошқариш муаммоси энг долзарб бўлиб турибди, бунинг асосий сабаби аниқ белгиланган бошқарув мақсадининг йўқлиги, зарур баҳолаш мезонларининг йўқлиги ҳисобланади. Активларни корпоратив бошқаришнинг мавжуд тизими давлат миқёсида бошқарув сиёсатини эслатади. Бундан ташқари, бошқарувда иштирок этаётган томонлар умуман бошқа-бошқа мақсад ва вазифаларга эга бўлади (энергетика воситалари, хорижий кредитлар учун қарзларни тўлаш бўйича талаблардан бошлаб иш ҳақи ва солиқларни ўз вақтида тўлашгача).

Иккинчидан, акциялар пакети давлат мулки бўлган ҳар бир корхонага давлат ўзининг корпоратив ҳуқуқларини бошқарган ҳолда эришишни истаган «индивидуал мақсад» белгиланиши лозим. Шундай қилиб, давлат корпоратив ҳуқуқларини бошқариш тамойилини давлат сиёсатига зид келмайдиган индивидуал йўналиш сифатида ифодалаш мумкин.

Учинчидан, корпоратив ҳуқуқларни самарасиз бошқаришнинг асосий сабабларидан бири – бу соҳадаги корпоратив бошқарув қонунчилигининг мукамал эмаслигидир, мавжуд камчиликлар эса амалиётда суиистеъмолга олиб келади.

2.2. “Ўзбеккўмир” ОАЖ молиявий-хўжалик фаолиятининг иқтисодий таҳлили

Кўмир маҳсулотини яратиш учун сарфланган барча харажатлар ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланиб, шу маҳсулотнинг қийматини ташкил қилади.

Кўмир саноатида ишлаб чиқариш харажатлари қуйидагиларни ўз ичига олади: а) сарфланган ишлаб чиқариш воситаларининг қиймати (сарфланган хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи, асосий фондларнинг емирилган қисмлари, электр энергияси ва бошқалар) яъни буюмлаштирилган меҳнат сарфининг қиймати; б) ишчиларнинг ўз шахсий эҳтиёжларини қондириш учун меҳнат қилиб яратган маҳсулотларининг қиймати, яъни барча ходимлар томонидан олинадиган иш ҳақи; в) жамият ривожини учун меҳнат билан яратилган қўшимча маҳсулот қиймати.

Кўмир саноатида ҳам маҳсулот таннархи фойда, рентабеллик даражаси, меҳнат унумдорлиги каби ишлаб чиқаришнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Чунки таннарх кўмир корхоналари ва ҳатто тармоқнинг ишлаб чиқариш ҳамда хўжалик фаолиятини ўзида акс эттирувчи синтетик кўрсаткич бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнларини янги техникадан фойдаланиш, самарали технологияни жорий қилиш, илғор иш услубларидан фойдаланган ҳолда меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш даражаси натижаларини

ўзида мужассамлаштиради. Шу билан бир қаторда таннарх кўмир ишлаб чиқариш, капитал қурилиш, янги техника ва технология самарадорлигини аниқлашда асосий кўрсаткич ҳисобланади. Таннархдан саноатни жойлаштириш, ишлаб чиқаришни концентрациялаш, ихтисослаштириш даражаларини аниқлашда, лойиҳаларни техник-иқтисодий асослашда муҳим кўрсаткич сифатида фойдаланилади.

Таннархни мунтазам камайтириб бориш кўмир саноати корхоналари фойдасини кўпайтиришни таъминлайди ҳамда фойдадан ҳосил бўладиган иқтисодий рағбатлантириш жамғармалари миқдорини катталаштиради. Сўнгги йилларда кўмир саноатида олинadиган фойда миқдорини ўсишининг учдан бир қисми маҳсулот ҳажминини кўпайтириш ва учдан икки қисми эса ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш ҳисобига эришилмоқда. Шундай қилиб ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот таннархини пасайтириш корхоналарда олинadиган асосий манбаидир.

Маҳсулот ишлаб чиқаришга амалда сарфланган ҳаражатлар мунтазам ҳисобга олиниб, уларнинг кўрсаткичлари таҳлил қилиниб борилади. Буларнинг ҳаммаси кўмир корхоналари ишлаб чиқариш ҳаражатларини қисқартириш имкониятларини қидириб топиш, улардан оқилона фойдаланиш ва у асосда маҳсулот таннархини мунтазам камайтириб бориш масалаларини тўғри ҳал қилиш учун шароит яратиб беради. Ана шу масалаларни ҳал қилишни бирмунча осонлаштириш учун кўмир саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини қуйидаги кўринишларда ҳисобга оламиз, яъни:

Участка (цех) таннархи. Бу таннарх маҳсулотни тайёрлаш ёки ишни бажаришда участка (цех) томонидан сарфланган ҳаражатларни ўз ичига олиб, ишлаб чиқариш ҳаражатларининг тўрт элементи – иш ҳақи, материаллар, энергия ва амортизация ажратмалари бўйича ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқариш (шахта, рудник, карьер) таннархи. Бу таннарх корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган барча ҳаражатларидан ташкил топади. Бошқача қилиб айтганда, шахта (рудник) таннархи участка (цех) таннархи ва умумшахта ҳаражатларидан ташкил топади.

Тўлиқ таннарх. Бу таннарх ишлаб чиқариш таннархи ва корхона томонидан сарфланган ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган харажатлар йиғиндисини ўзида акс эттиради. Ишлаб чиқаришга алоқасиз харажатларга асосан маҳсулотни сақлаш ва сотиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар киради.

Маҳсулотнинг бирлашма таннархи шу бирлашма таркибига кирган ҳар бир корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархларининг ўртача умумлашган миқдори билан аниқланади. Масалан, бирлашма таркибида шахта ва карьер бўлсин. Шахта қазиб чиқарган кўмирнинг ойлик миқдори 80 минг тонна бўлиб, унинг таннархи 4800 минг сўмни ташкил қилган бўлсин. Карьерда эса, бир ойда 500 минг тонна кўмир қазилиб, унинг таннархи 15000 минг сўмни ташкил қилган. Бу ҳолда маҳсулот бирлигининг (1 тонна кўмирнинг) бирлашма таннархи $(4800+1500) : (80+500)=34$ сўмни ташкил қилади.

Кончилик саноатида бирлашма (комбинат)лар тахминан бир хил кон-геологик ишлаб чиқариш шароитларига эга бўлган ҳудудлар тамойили асосида ташкил қилинганлиги туфайли, маҳсулот бирлашма таннархи ана шу шароитлар учун сарфланадиган харажатларнинг ўртача умумий кўрсаткичини ифодалайди.

Тармоқ маҳсулот таннархи маҳсулотни ишлаб чиқаришга ва сотишга кетган ҳамма харажатларни тармоқ бўйича ўртача қийматини ифодалайди. Тармоқ маҳсулот таннархи ўзининг миқдори бўйича ижтимоий зарурий харажатлар миқдorigа яқинлашиб боради.

Кончилик саноатининг баъзи соҳаларида (кўмир, нефть, газ ва торф) маҳсулот таннархининг миқдorigа шу фойдали қазилма конларининг кон-геологик шароитлари кучли таъсир қилади. Шунинг учун ҳам кончилик саноатида кўпинча ҳавза ёки минтақа маҳсулот таннархи ҳисобланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш (фойдали қазилмани қазиб чиқариш)га сарфланган барча харажатлар маҳсулот таннархини ташкил қилади ва

иқтисодий унсурлар, харажат моддалари ҳамда ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича гуруҳлаштирилади.

Харажатларнинг ҳар бир унсури (иш ҳақи, материаллар, электр энергия, ёқилғи ва бошқалар) қаерда ва қандай иш жараёнларига (қазиб чиқариш, ташиш, шамоллатиш ва хоказо) сарф қилинганликларидан қатъий назар сифат жиҳатдан бир хил бўлган харажатлардан ташкил топади.

Харажат моддалари (калькуляция моддалари) харажатларнинг белгилари, пайдо бўлиш жойлари ва мақсадлари бўйича бирлаштирилади.

Харажат унсурлари бўйича уларни гуруҳлаштириш, калькуляция моддалари бўйича гуруҳлаштиришга нисбатан умумийроқ бўлади. Шунинг учун ҳам, кўпинча харажат унсурлари гуруҳларининг сони харажат моддалари сонидан кам бўлади (2.2.1-жадвал). Кончилик саноати учун харажатларни гуруҳлаштириш қуйидаги унсурлар бўйича белгиланган: ёрдамчи материаллар, ёнилғи, ташқаридан олинadиган электроэнергия; иш ҳақи (асосий ва қўшимча); ижтимоий суғурта учун ажратмалар; асосий фондларнинг амортизацияси; ишлаб чиқаришга таъалуқсиз тегишли бўлмаган бошқа харажатлар. Харажатларни унсурлар бўйича гуруҳлаштириш уларни иқтисодий мазмунини ифодалайди ва ишлаб чиқариш харажатларини сметаси дейилади.

Жадвалда келтирилган харажат унсурлари ва моддалари номенклатураси саноат учун, умуман қабул қилинган харажатлар номенклатурасидан фарқ қилади ва кончилик саноатининг ўзига хос ишлаб чиқариш хусусиятларини акс эттиради. Масалан, кончилик маҳсулотлари таннархи таркибида «Хом ашё», «Асосий материаллар», «Сотиб олинган комплектловчи буюмлар ва чала маҳсулотлар» каби харажат моддалари бутунлай учрамайди. Аммо конни қазиб чиқаришга тайёрловчи кон лаҳимларининг амортизацияси ва улар учун тўловдан алоҳида модда сифатида таннарх таркибига киритилади.

Харажатларни калькуляция бўйича моддаларни гуруҳлаштириш маҳсулот таннархи ҳосил қилувчи харажатларни маҳсулот ишлаб чиқариш

жараёнлари бўйича содир бўладиган жойлари, аломатлари ва мақсадларига караб бирлаштиради.

Кончилик саноатида таннархнинг калькуляция моддалари кончилик ишлаб чиқаришнинг у ёки бу тармоғига мансуб бўлган ишлаб чиқариш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда харажатларни гуруҳлаштиради ва саноатда қабул қилинган харажатлар номенклатурасидан фарқ қилади. (2.2.1-жадвал).

2.2.1-жадвал

Кўмир қазиб чиқариш ва рангли метал рудалари қазиб чиқаришни таққослаш

Кўмир қазиб чиқариш	Рангли металл рудалари қазиб чиқариш
<i>Технология мақсадлари учун ёрдамчи материаллар</i>	<i>Технология мақсадлари учун ёрдамчи материаллар</i>
<i>Технология мақсадлари учун ёқилғи ва энергия</i>	<i>Технология мақсадлари учун энергия</i>
<i>Ишлаб чиқариш ишчиларининг асосий иш ҳақи</i>	<i>Ишлаб чиқариш ишчиларининг асосий иш ҳақи</i>
<i>Ижтимоий суғурта учун ажратмалар</i>	<i>Ижтимоий суғурта учун ажратмалар</i>
<i>Ускуналарни асраш ва ишлатиш харажатлари</i>	<i>Амортизация</i>
<i>Ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ўзлаштириш харажатлари</i>	<i>Бўшлиқларни тўлдириш харажатлари (ер ости қазии усулида)</i>
<i>Асосий фондларни амортизацияси</i>	<i>Юкларни рудник ичида ташиш (очиқ қазии усулида)</i>
<i>Умумиашта (умукарьер) харажатлари</i>	<i>Ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ўзлаштириш харажатлари, шу жумладан: Янги техникани ўзлаштириш фонди учун ажратмалар; Кон тайёрлаш лаҳимлари харажатларини қоплашлар.</i>
<i>Бошқа ҳар хил ишлаб чиқариш харажатлари</i>	<i>Ускуналарни асраш ва ишлатиш харажатлари</i>
<i>Ишлаб чиқаришга таалуқсиз харажатлар</i>	<i>Цех харажатлари</i>
	<i>Ишлаб чиқарилиши тугалланмаган маҳсулотлар; Ой боши (+) Ой охири (-)</i>
	<i>Кон тайёрлов ишларида йўл-йўлакай олинган руда</i>
	<i>Умумрудник харажатлари.</i>
	<i>Бошқа ҳар хил ишлаб чиқариш харажатлари</i>
	<i>Ишлаб чиқаришга таалуқсиз харажатлар</i>

Манба: Назарий-амалий билимлар асосида муаллиф томонидан тузилган

Бизнинг фикримизча, кўмир тармоғида маҳсулот таннархини калькуляция моддалари бўйича ҳисоблаш, уларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқариш харажатларини оператив назоратга олишда муҳим аҳамият касб этади. У айтилиши вақтда қайси бир омил ҳисобига сарф харажатлар иқтисод қилинганлиги ёки ортиқча сарфланганлигини аниқлаш имконини беради.

Шуни ҳам айтиш керакки, баъзи шароитларда кончилик корхонаси эҳтиёжи учун ўзи электр энергия ишлаб чиқариши мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулот таннархида «Электр энергияси» элементи бўйича харажатлар ҳисобланмайди. Энергия ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар тегишли (иш ҳақи, материал, амортизация, ёқилғи ва ҳ.к.) элементларда ҳисобга олинади.

«Ишлаб чиқариш ишчиларнинг асосий иш ҳақи», «Ишлаб чиқариш ишчиларнинг қўшимча иш ҳақи» моддаларига ишчиларнинг оладиган асосий ва қўшимча иш ҳақи киритилади. Асосий иш ҳақи – бажарилган иш ёки ишланган вақтга тўланган пулдир. Навбатдаги меҳнат таътилига-тўланадиган ҳақи, ходимларнинг хизмат сафарига бериладиган маблағлар, ишчи-хизматчиларнинг давлат ишларини бажарган вақтларида оладиган иш ҳақлари, ўсмирларга имтиёзли соатлар учун тўланадиган иш ҳақи ва шу кабилар қўшимча иш ҳақи деб юритилади.

Ишчи ва хизматчиларнинг касаллиги туфайли вақтинча иш қобилиятини йўқотган вақтларида оладиган пул маблағлари социал суғурта фондларидан тўланади. Шунинг учун кончиликда маҳсулот таннархи таркибига ижтимоий суғурта учун ажратмалар киритилади. Бу ажратмалар 1991 йилдан бошлаб кўмир қазиб чиқариш саноатида, шунингдек, темир руда ва рангли металлургия саноатларида иш ҳақининг 37% миқдорида белгиланган.

«Амортизация, шу жумладан кон-капитал ишлари харажатларини қоплаш» моддасида амортизация ажратмалари корхонанинг фақат асосий фондларидан, уларнинг қаерда (иш жойида, таъмирлашда, омборда) турганлигидан қатъий назар, ҳисобланади. Бунда асосий фондларнинг бир

қисми, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида уларнинг ёмирилаган қисми қиймати ҳисобга олинади.

Амортизация ажратмалари миқдори иқтисодиёт ва унинг тармоқларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган меъёрлар кўрсатмасига мувофиқ ҳисобланади. Бу кўрсатма бўйича амортизация ажратмалари, илгари кўрсатмалардан фарқли ўлароқ фақат асосий фондлар тўла қийматини тиклашни ҳисобга олади (таъмирлаш харажатларини қоплаш ҳисобга олинмайди). «Юкларни очиқ кон қазииш усулида карьер (разрез) ичида ташиш» моддасида пуч кон жинсларини ташламаларга, фойдали қазилмаларини уларни сақлаш ёки қайта юклаш жойларига ташиш харажатлари кўрсатилади. Бу моддада, шунингдек, карьер (разрез) йўллари асраш, пуч эжинслар ташмаларини сақлаш ва ишлатиш харажатлари киради.

Кончилик саноатининг барча тармоқларида калькуляциялаш яратилган маҳсулот ёки бажарилганлигининг натурал бирлиги асосида амалга оширилади. Чунончи қазиб чиқариш тармоқларида 1 тонна кўмир, 1 тонна руда, 1 м³ кон массаси, 1 метр кавлаб ўтилган кон лаҳими ва бошқалар қайта ишлаш корхоналарида эса 1 тонна концентрат, 1 тонна қайта ишланган руда, 1 тонна металл ва ҳоказалар калькуляциялаш бирлиги қилиб қабул қилинган.

Қазиб чиқариш корхоналарнинг қарийб ҳаммаси бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарганлиги сабабли, кончилик саноати амалиётида ҳамма харажатлар бевосита маҳсулот таннархига ўтказилади ва 1 тонна қазиб чиқарилган маҳсулот таннархи қуйидагича аниқланади:

$$C_T = X_y Q$$

бу ерда: C_T - бир тонна маҳсулот таннархи, сўм.

X_y – муайян вақт бирлиги ичида маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган умумий харажат, сўм;

Q – шу давр ичида қазиб чиқарилган маҳсулот хажми, тонна.

Фойдали қазилмаларни очиқ усулда қазиб чиқаришда, фойдали қазилма бирлигини қазиб чиқариш харажатлари ва унинг қатламларини устини очиш

ишларига сарфланган харажатлар алоҳида-алоҳида калькуляция қилинади ва 1 тонна кўмир ёки бошқа турдаги қазилманинг тўлиқ таннархи қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$C_T = C_{фк} K_0 C_0$$

Бу ерда: C_T – 1 тонна қазиб чиқарилган маҳсулот таннархи, сўм;

$C_{фк}$ – фойдали қазилманинг ўзини қазиб чиқариш таннархи, сўм;

C_0 – 1 м³ тоғ фойдали қазилма устидан олиб ташлаш таннархи, сўм;

K_0 – конни устини очиш коэффиценти (ҳар тонна қазиб олинadиган фойдали қазилмага тўғри келадиган қатлам усти жинсларининг хажми), м³ тонна.

Кончилик саноатида кон тайёрлов лаҳимлари учун сарфланган харажатларни маҳсулот таннархига ўтказиш кончиликнинг ҳамма тармоқларида бир хил усулда олиб борилмайди. Масалан, кўмир, маҳсулотларида кон тайёрлов лаҳимларини ўтиш учун сарфланган харажатлар, улар содир бўлган ойидаги қазиб чиқарилган кўмир таннархига тўғридан-тўғри ҳар бир калькуляция моддаси бўйича ўтказилади. Кон руда саноати корхоналарида эса, бундай харажатлар режали равишда ойлик қазиб чиқарилган руда таннархига алоҳида калькуляция моддаси («кон-тайёрлов лаҳимлари харажатларини қоплаш») бўйича ўтказиб борилади. Карьерларда ҳам ҳар бир даврдаги конни устини очиш билан боғлиқ бўлган харажатлар шу даврда қазиб чиқарилган фойдали қазилма таннархига ўтказилади.

Маҳсулот таннархи тузилмаси – уни тайёрлашда сарфланган ҳар бир харажат унсури (моддаси)нинг ишлаб чиқариш (умумшахта) ёки тўлиқ таннархдаги фоизларда ўлчанган салмоғини ифодаловчи кўрсаткичдир. Турли саноат тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархларини таҳлил қилиш у ёки у тармоқнинг ўзига хос ишлаб чиқариш хусусиятларини ўрганишга ёрдам беради.

Харажат унсурларининг маҳсулот таннархдаги салмоғига қараб мазкур тармоқнинг материалталаблик, меҳнатталаблик, энергияталаблик каби ўзига хос хусусиятини аниқлаш мумкин (2.2.2-жадвал).

2.2.2-жадвал

**2011 йилда Ўзбекистон саноатида, маҳсулот ишлаб чиқариш
харажатларининг тузилмаси (фоизларда)¹**

Саноат тармоқлари	Шу жумладан							
	Жами харажатлар	Хом ашё ва асосий материал	Сотиб олинган ярим фабрикалар ва саноат тусидаги хизмат кўрсат	ёқилғи	энергия	амортизация	Иш хақи ва ижтимоий сўғурга ажратмалари	Бошқа элементларга сарфланган харажатлар
Жами саноат	100	67,4	6,6	2,4	2,2	7,8	11,2	2,4
Оғир саноат	100	39,7	18,7	5,3	4,6	15,7	17,4	3,6
Ёқилғи энержетика комплекси	100	85,9	3,8	20,8	3,5	22,7	10,0	3,8
Электрэнергетика	100	8,2	4,2	48,9	0,6	26,1	14,3	2,7
Ёқилғи саноати	100	59,2	3,4	0,5	5,5	19,9	6,4	4,7
Металлургия комплекси	100	55,5	5,0	1,8	6,4	17,4	11,6	2,3
Машинасозлик комплекси	100	27,8	31,0	0,9	1,5	10,5	24,1	4,2
Кимё—ўрмон комплекси	100	48,3	6,0	1,8	10,1	18,1	13,0	3,2
Кимё ва нефт-кимё саноати	100	47,9	40	1,3	12,5	20,9	10,8	2,6
Ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза қоғоз саноати	100	50,1	13,3	1,4	1,5	6,0	20,3	5,4
Қурилиш материаллари саноати	100	39,6	5,8	5,4	4,5	15,9	25,0	3,8
Енгил саноати	100	86,1	1,3	0,3	0,6	2,2	8,3	1,2

Жадвалда келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, айрим саноат тармоқлари бир-биридан маҳсулот таннархини ташкил қилувчи харажат элементларининг турли салмоққа эга эканлиги билан фарқланадилар. Масалан «Хом ашё ва асосий материаллар» ёқилғи саноатида 59,2% ва металлургия комплексида 55,5% бўлган ҳолда енгил саноатда бу элементнинг маҳсулот таннархидаги салмоғи 86,1% ни ташкил қилади ва асосан таннарх миқдорини белгилайди. Шу билан бир қатор агар кончилик саноати маҳсулотлари таннархини таҳлил қилсак (маҳсулотлар жадвалга

¹Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

тегишли), кўмир қазиб чиқариш саноат тармоғида иш ҳақи (ижтимоий суғурта ажратмалари билан бирга) сарфланган харажатлар таннархнинг 45-50% га яқинини ташкил қилади. Бунга бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ бўлган иш ҳақини ва ижтимоий суғуртага ажратмаларнинг ошиши ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Қазиб чиқариш саноат тармоқларининг юқори меҳнат талаблик даражаси маҳсулот ишлаб чиқаришдаги жонли меҳнат сарфининг катталиги билан ифодаланади. Қайта ишлаш саноат тармоқларида эса, маҳсулот таннархи таркибининг асосий қисмини буюмлашган (илгари сарфланган) меҳнат ва айниқса, материаллар харажати ташкил қилади.

Кончиликка бағишланган адабиётларни кўрсатишича, кончилик саноатининг айрим тармоқлари бири-биридан ишлаб чиқаришни механизмлаштириш даражаси, корхоналарнинг турлари ва турли ишлаб чиқариш ҳажми, қазиб чиқариш технологияси ва табиий шароитларининг ҳар хиллиги билан фарқланадилар.

Шарғун Апартак ҳавзаларидаги кўмир қатламларининг қалинлиги ва Ангрен кўмирларига нисбатан анчагина ер сатҳига яқин жойлашганлиги бу бассейнларда кўмир қазиб чиқаришнинг меҳнат талаблик даражасини бирмунча камайтиради. Бу эса ўз навбатида маҳсулот таннархидаги «иш ҳақи» моддаси салмоғини анчагина камайишига олиб келади. Кўриниб турибдики, кончилик саноатида қазиб чиқариш таннархининг тузилмаси ва у билан боғлиқ бўлган таннарх даражаси кўпгина кон-геологик, иқтисодий, географик ва об-ҳаво шароитларига боғлиқдир.

Кончилик саноати тармоқларида маҳсулот таннархи таркиби ва даражасига фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш усуллари алоҳида таъсир кўрсатади. Масалан, кўмирни очиқ усулда қазиб чиқариш таннархи ер ости (шахта) усулда қазиб чиқаргандаги харажатларнинг $\frac{1}{3}$ қисмини ташкил қилади ва шу билан бирга кўмир таннархи тузилмасидаги иш ҳақи салмоғини кам бўлишини таъминлайди. Очиқ усулда қазиб чиқариш кон-қазил жароёнларини тўла механизациялаш ва автоматлаштириш имкониятларини

кенгайтиради. Натижада маҳсулот таннархи тузилмасида «амортизация» ва «энергия» харажат моддаларининг салмоғи ўсиб боради. Кончиликда техника тараққиёти, фойдали қазилмаларни қазиб чиқаришда ишлатиладиган материаллар, энергия ва бошқа ресурсларнинг нарҳини қимматлашиш, иш ҳақини ажтимоий суғуртага ажратмаларни ошиб бориш (айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида) маҳсулот таннархи таркиби ва даражасида сезиларли силжишлар содир бўлишига олиб келмоқда. Бундай силжишларни таннарх таркибининг динамикаси дейилади.

Бизнинг фикримизча, маҳсулот таннархининг аниқлашда калькуляция қилиш бирлигини белгилаб олиш муҳим роль ўйнайди. Кончилик саноати амалиётида юқорида айтилганидек, калькуляция бирликлари қилиб 1 тонна кўмир /руда/, нефть ва 1000 м³ газ қабул қилинган. Бундан ташқари, саноат корхоналарида калькуляция бирлиги сифатида 1 сўмлик товар маҳсулот ҳажми ҳам кенг қўлланилади. Товар маҳсулотга корхона томонидан ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган барча маҳсулотлар киради.

Бир сўмлик товар маҳсулот учун қилинган харажатлар бир неча турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда таннархни умумлаштирувчи кўрсаткичи бўлиб, режа кўрсаткичларига нисбатан таннархни ўзгариш даражасини ифодалаб беради.

Таҳлиллар кўрсатишича, кўмир саноатида маҳсулот таннарҳини камайтириш-ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим кўрсаткичидир. Бизнинг фикримизча, кончилик саноати қазилма маҳсулотларининг таннарҳини камайтиришнинг, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитидаги, асосий йўналишлари қуйидагилар: кўмир саноати корхоналарини оқилона жойлаштириш; корхоналарнинг маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришдаги минимал харажатларини таъмин қиладиган оптимал қувватларини белгилаш; кон захираларини қазиб чиқаришнинг илғор усуллари ва технологияларидан (очиқ усуллари) кенгроқ фойдаланиш; ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилиш усуллариини такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириб бориш ва бошқалар.

Меҳнат унумдорлиги унинг ошиб бориш суръати иш ҳақи ошиб бориш суръатидан юқори бўлган тақдирда маҳсулот таннархини камайиб боришини таъминловчи энг асосий омиллардан бири ҳисобланади. Чунки бунда маҳсулот бирлиги таннархида иш ҳақининг улуши камайиб боради ва бу туфайли қилинган иқтисод қўйидаги формула орқали аниқланиши тавсия қилинади:

$$x_{и.х} = \left(100 - \frac{I_{и.х} 100}{I_{м.у}} \right) * Y_{и.х}$$

$x_{и.х}$ — иш ҳақи индекси;

$I_{и.х}$ — меҳнат унумдорлиги индекси;

$I_{м.у}$ — маҳсулот таннархидаги иш ҳақининг улуши.

Кончиликда илмий техника тараққиёти натижаларини жадал қўлланиши, мустаҳкамлаш, портлатиш ва бошқа хизматлар учун сарфланадиган материалларнинг илғор турларидан ва янги, иқтисодий асосланган сарф меъёрларидан фойдаланиш. Технология ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш усуллари тақомиллаштириш маҳсулот таннархидаги материаллар сарфи харажатнинг бирмунча камайтиради.

Кончилик корхоналарида трансформаторлар ва юқори кучланишли двигателлар қудратини шу корхонанинг электрэнергияси бўйича амалдаги эҳтиёжга мослаб олиш маҳсулот таннархини «энергия» унсури бўйича камайтиришнинг асосий манбаси ҳисобланади. Электр энергиясидан фойдаланишни ташкил қилишни тўғри йўлга қўйган корхоналарда амалда сарфланган энергия миқдори ишлаб чиқариш ва ёрилиш ишлари учун энергия меъёрларидан кам бўлади.

Асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш маҳсулот таннархини камайтиришда жуда муҳим омил ҳисобланади ва буни амалга ошириш маҳсулот бирлиги таннархини, фақатгина «амортизация» элементи бўйича камайтириб қолмай, балки ундаги «иш ҳақи» элементининг салмоғини ҳам бирмунча озайтиради. Чунки асосий фондлардан самаралироқ фойдаланиш

уларнинг қийматини (сонини) ва бу билан боғлиқ бўлган меҳнат ресурсларини ўзгартирмай туриб ишлаб чиқариш ҳажмини сезиларли даражада кўпайтиришга олиб келади. Бу эса, ўз навбатида меҳнат унумдорлигини ўсиб боришини таъминлайди. Асосий фондлардан самаралироқ фойдаланиш ҳисобига маҳсулот таннархидаги амортизация ажратмаларининг камайиши қуйидаги ифода билан ҳисобланади.

$$Z_a = \left(\frac{A_0}{Q_{\text{тов.б}}} - \frac{A_{\text{реж}}}{Q_{\text{тов.мех}}} \right) * Q_{\text{тов.реж}}$$

Бу ерда: A_0 - амортизация ажратмаларининг базис йилидаги умумий суммаси;

$A_{\text{реж}}$ - амортизация ажратмаларининг режа йилидаги суммаси;

$Q_{\text{тов.б}}$ ва $Q_{\text{тов.реж}}$ - базис ва режа йиллардаги товар маҳсулотларининг тегишли миқдорлари.

Барча шароитлар ўзгармаган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши маҳсулот бирлиги таннархида шартли ўзгармас харажатларни камайишига олиб келади. Бунинг натижасида корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи маълум миқдорга камаяди ва бу миқдор қуйидаги ифода бўйича ҳисобланади:

$$I_{\text{ш}} = \left(100 - \frac{I_{\text{ш}} * 100}{I_{\text{ш.ч}}} \right) * Y_{\text{ш}}$$

Бу ерда: $I_{\text{ш}}$ – шартли ўзгармас харажатлар индекси;

$I_{\text{ш.ч}}$ – ишлаб чиқариш ҳажмининг индекси;

$Y_{\text{ш}}$ – шартли ўзгармас харажатларни, маҳсулот таннархидаги салмоғи

Кўшимча капитал маблағ сарфланмай, руданинг бойитиш натижасида ундан ажратиб олинadиган маталлни кўпайтириш ҳисобига сўнгги маҳсулот таннархини камайиши қуйидаги формула орқали аниқланиши тавсия қилинади:

$$И = \left(\frac{C_{м.б}(E_1 - E_2)}{E_2} \right)$$

Бу ерда: И – концентратга ажратиб олиниши лозим бўлган металл бирлиги таннархининг камайиши сўм;

$C_{м.б}$ – базис йилида концентрат таркибидаги 1т. металлнинг таннари, сўм.

E_1 ва E_2 – базис ва режа йилларида концентратга металл ажратиб олиш коэффиценти.

Кончилик саноатида маҳсулот таннари даражасига юқорида кўриб чиқилган иқтисодий ва техникавий омиллардан ташқари, кончилик саноатининг ўзига хос ишлаб чиқариш табиий шароитлари ҳам таъсир кўрсатади. Е – омиллар қўйидагилардан иборат:

-конларни қазиб чиқариш кон-геологик шароитлари (саноат захираларининг миқдорим, қатламларининг қалинлиги, қазиб чиқариш чуқурлиги, руда ёки кўмир қатламларини оғиз бурчаги ва ҳакозо).

-фойдали қазилма конларининг сифат белгилари;

а) кон руда саноат тармоғида – руда таркибидаги фойдали компонентлар ва зарарли аралашмалар; руданинг солиштирма оғирлиги ва қаттиқлиги; ёндош тоғ жинсларининг қаттиқлиги ва бошқа хусусиятлари;

б) кўмир, торф, ёнувчи сланец ва газ саноати тармоқларида ёниш ҳарорати; кулчанлик миқдори, камлик даражаси, олтин гугурт ва бошқа зарарли компонентлар миқдори, фойдали қазилмаларнинг солиштирма оғирлиги ва ҳакозолар.

Кончилик саноати тармоқларига маҳсулот таннархининг миқдори кўпинча коннинг географик фойдаланиш ва иқлимий шароитларига ҳам боғлиқдир. Масалан, фойдали қазилма кони магистрал транспорт йўлларига яқин, энергетика тармоқлари билан таъминланган ва аҳоли яшайдиган қишлоқ ёки шаҳар чегарасида жойлашган бўлса, уни қазиб чиқаришга тайёрлаш учун сарфланадиган капитал маблағ ва жорий харажатлар кам

бўлади, яъни маҳсулот таннархи шу шароитларга эга бўлмаган, аммо кон-геологик шароитлари ўхшаш бўлган бошқа кондагига нисбатан анчагина кам бўлади. Конларда фойдали қазилмаларнинг борган сари тугаб бориши ва уларнинг қайтадан тикланмаслиги кончилик саноатининг хусусиятларидан биридир. Ишлатилаётган конларда фойдали қазилма захиралари тугаб боргани сари, қидирув ишлари олиб борилиб, ишлаб чиқаришга янги конларни жалб қилинади. Баъзан бу конлар сифат ва жойланиш жиҳатидан олдингиларга нисбатан бирмунча қийинроқ шароитларга эга бўладилар. Бу эса, кончилик саноатида ишлаб чиқаришнинг табиий шароитларини ёмонлашувга олиб келади. Шунинг учун қазиб чиқарувчи саноатнинг кўпчилик соҳаларида маҳсулот таннархи сансонинчи йилларда секин-аста ўсиб борди. Тўқсонинчи йилларнинг бошидан бошлаб бозор муносабатларига ўтиш жараёнида бу кўрсаткич кескин ўсиб бормоқда.

Фойда қўшимча маҳсулотнинг бир қисми бўлиб, корхоналарнинг хўжалик фаолиятининг энг муҳим иқтисодий кўрсаткичларидан иборатдир. Фойда корхона ишининг қанчалик самарадорлигини ифодалайди. Фойдада хўжаликни бошқариш ва ишлаб чиқариш манбаларидан фойдаланиш даражаси, сотилган маҳсулот ҳажми, уларнинг сифати ва сотиш муддатлари ўз аксини топади.

Корхонанинг умумий фойдаси қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$\Pi_{\text{б}} = \Pi_{\text{р}} + \Pi_{\text{бр}} + \Pi_{\text{рк}}$$

бу ерда: $\Pi_{\text{р}}$ – товар маҳсулотини сотишдан тушадиган фойда;

$\Pi_{\text{бр}}$ – бошқа сотишлардан олинadиган фойда деб аталувчи носаноат туридаги маҳсулот, ишлар ва хизматларнинг сотишдан тушадиган фойда;

$\Pi_{\text{рк}}$ – реализация қилинмайдиган операциялар натижаларидан тушадиган тушумлар.

Кончилик корхоналарида фойданинг 9/10 қисми товар ҳолатидаги фойдали қазилмаларни сотишдан ҳосил бўлади.

Маҳсулотни сотишдан олинадиган фойдани қуйидаги ифода билан аниқлаш мумкин.

$$P_p = \sum_{i=1}^n B_i Q_i - \sum_{i=1}^n T_i Q_i = \sum_{i=1}^n (B_i - T_i) * Q_i$$

бу ерда: B_i ва T_i – мос равишда корхонанинг i туридаги маҳсулот бирлигининг шартнома улгуржи баҳоси ва тўла таннархи, сўм:

Q_i -реализация қилинадиган i туридаги маҳсулот ҳажми, натурал бирликларда, $i = 1, 2, 3, \dots, n$ - чиқариладиган маҳсулот тури.

Бошқа маҳсулотлар ёки хизматлар сотувидан олинадиган фойда корхона асосий ишлаб чиқаришига хос бўлмаган ўзга маҳсулотлар (халқ истеъмол моллари, шунингдек қум, гил ва бошқалар)ни сотиш, корхона балансидаги автохўжалик фаолияти, ёрдамчи хўжалик маҳсулотларини сотиш, ўзга корхоналарга электр энергия, иссиқлик, буғ, сув ва бошқаларни сотиш эвазига ҳосил бўлади.

Сотилмайдиган операциялар натижаларидан келадиган фойда корхона счётига истеъмолчилар қарзларини, жарима ва бошқа тўловларни келиб тушишидан ташкил топади.

Одатда фойда маълум календарь вақт (ой, чорак, йил)га ҳисобланади. Унинг миқдорини 1т қазиб чиқариладиган фойдали қазилмага ҳам ҳисоблаш мумкин.

Юқорида келтирилган формула ва фикрлардан кўриниб турибдики, корхоналарнинг муайян даражасида маҳсулот таннархи қанчалик кам ва уни ишлаб чиқариш ҳажми қанчалик кўп бўлса корхона фойдасининг миқдори шунчалик кўп бўлади. Аксинча, таннархнинг ошиши ёки маҳсулот чиқариш ҳажми қисқариши фойда миқдорини камайтиради.

Корхона фойдасининг ҳажми чиқариладиган маҳсулот сифатига ҳам боғлиқдир. Чунки юқори сифатли маҳсулот одатда нисбатан юқори улгуржи баҳолар билан сотилади.

Мустақилликка эришилгунга қадар кўмир корхоналарга маҳсулот таннархини камайтириш ва фойда олиш юзасидан топшириқ белгиланар эди. Ҳозир эса, бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот таннархини камайтириш, сотиш учун мўлжалланган маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ва уни сифатини ошириш ҳисобига олинadиган фойда миқдорини корхонанинг ўзи белгилайди. Бу ҳол корхонанинг хўжалик мустақиллигини таъминлайди, унинг ўз хўжалик фаолиятининг пировард натижаларини яхшилашга мажбур қилади, уларга муайян шароитларда фойдани кўпайтиришнинг энг самарали йўллари танлаш имкониятини беради.

Фойданинг умумий ҳажми корхона ишлаб чиқариши самарадорлигининг муҳим кўрсаткичидир. Бироқ, у ишлаб чиқариш қуввати билан фарқланувчи катталиги турлича бўлган корхоналар ишлаб чиқариш самарадорлигини таққослаб кўришга имкон бермайди, чунки олинadиган фойданинг мутлоқ ҳажми сезиларли даражада маҳсулот, ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ. Айрим кўмир корхоналарининг ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш учун фойданинг нисбий кўрсаткичи рентабеллик кўрсаткичидан фойдаланилади.

Кўмир саноатида рентабелликни икки кўринишидан фойдаланилади: маҳсулот рентабеллиги, ишлаб чиқариш фондларининг рентабеллиги.

Маҳсулот рентабеллиги (P_m) маҳсулотни сотишдан тушадиган фойда билан уни ишлаб чиқаришга сотиш сарф-ҳаражатлари (таннарх) орасидаги боғлиқликни акс эттиради: у жорий харажатларнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган фойданинг нисбий (x) миқдорини кўрсатади. Бундай кўрсаткичнинг қулайлиги шундан иборатки, уни барча маҳсулотлар (сотилган ва ишлаб чиқарилган) бўйича ҳамда айрим маҳсулотларнинг таннарх, аниқ бўлганлиги сабабли уларни турлари бўйича аниқлаш мумкин. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$P_m = \left[\frac{\sum_{i=1}^n Q_i (B_i - T_i)}{\sum_{i=1}^n Q_i T_i} * 100 \right]$$

Бироқ, бу усул қулайлигига қарамай, шу маҳсулотни яратишда фаол қатнашган ишлаб чиқариш фондлари ҳажмини ўзида акс эттирмайди. Шунинг учун кўмир саноатида корхонанинг рентабеллигини фойда миқдорини ишлаб чиқариш фондларини ўртача йиллик миқдорига нисбий асосида аниқлаш усули ҳам қўлланилади. Ишлаб чиқариш фондларининг рентабеллиги (P_ϕ) қуйидагича аниқланади:

$$P_\phi = \left[\frac{P_\phi}{\Phi + A_u} \right] * 100$$

Бунда, P_ϕ – асосий фаолиятдан олинган фойда миқдори, сўм;

Φ – асосий фондларни йиллик ўртача миқдори, сўм;

A – айланма маблағларнинг меъёрланувчи қисми, сўм.

Охирги вақтгача рентабеллик корхоналарда ишлаб чиқариш фондлари орқали аниқланиб келинди, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш сабабли 1992 йилдан бошлаб маҳсулот рентабеллиги аниқланмоқда.

Рентабеллик даражасини ошириш корхона ишлари яхшиланганлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ошганлигини билдиради. Корхоналарда рентабеллик даражасини оширишнинг бир қатор усуллари бор бўлиб, улардан энг асосийлари қуйидагилар: кончилик корхоналар қазиб чиқарилган фойдали қазилмаларнинг баҳоларини уларга сарфланган ижтимоий меҳнат харажатларига яқинлаштириш; меҳнат ҳақи ва пировард хўжалик натижалари ўртасидаги боғлиқликни амалга ошириш; оқилona хўжалик юритиш, яъни маҳсулот бирлигида меҳнат ва моддий ресурслар сарф-харажатларини муттасил камайтириб бориш; ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшилаш ва бошқалар.

2-боб бўйича хулосалар:

Кимё саноати акциядорлик корхоналарининг хусусийлаштиришдан кейинги даврдаги молиявий-иқтисодий фаолиятининг таҳлили

қуйидагиларни аниқлаш имконини берди. Умуман олганда, тармоқдаги аксарият корхоналарнинг иқтисодий аҳволи ғоят оғирлигича қолмоқда. Қўплаб объектлар инвесторлар учун жозибадор эмас. Юзага келган ҳолатнинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

- азот ва фосфор ўғитлари, ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситаларининг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти;

- технологик жараёнлар параметрларига нисбатан қўйиладиган юксак талаблар каби тармоқ хусусиятлари туфайли асосий фондларнинг эскириши юқори даражага етди;

- маъданли ўғитлар ишлаб чиқариш жиҳозларининг асосий қисми учун эскирган технологиялардан фойдаланиш моддий сарфларни, маҳсулотнинг энергия сиғимини кескин оширади ва ишлаб чиқариш харажатлари ўсиши, ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи юқори бўлишининг асосий сабаби ҳисобланади;

- ҳисоб-китоблар амалдаги тизимининг камчиликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бошқа хўжалик юритувчи субъектлар олдидаги қарзлари. Маҳсулотнинг нархлари қатъий белгиланган монопол турлари жумласига киритилган кимёвий ўғитларга нисбатан уларни қишлоқ хўжалигига етазиб бериш давлат буюртмасининг алоҳида (билвосита) шакли белгиланган. Бунда етказиб берилган маҳсулот учун тўлов шартлари ҳосилдорликка ва қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқарувчилари томонидан давлат олдидаги ўз мажбуриятларининг бажарилишига боғлиқ.

3-БОБ. МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА Саноат ТАРМОҚЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА УЛАРГА АЖРАТИЛАЁТГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР КЎЛАМИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Саноат тармоқлари тараққиётини янги босқичга кўтаришда инвестицияларнинг аҳамияти

Барчамизга маълумки, ўтган 2011 йилда фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини ўзида мужассам этган Ўзбек моделининг энг муҳим тамойилларидан бири бўлган давлатнинг бош ислохотчи экани ҳақидаги принципдан келиб чиқиб, давлат томонидан оқилона, фаол инвестиция сиёсати олиб борилди. Буни ўзлаштирилган капитал қўйилмалар миқдоридан ҳам билиб олиш мумкин. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2011 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан қиймати 10 миллиард 800 миллион доллардан ортиқ капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2010 йилга нисбатан 11,2 фоиз кўп демакдир¹. Иқтисодиётимизга киритилаётган инвестицияларнинг йилдан-йилга ўсиб боришида юртимиздаги мавжуд инвестицион шароит ва қулай инвестиция муҳити алоҳида аҳамият касб этаётганини таъкидлаш жоиз. Бунда айниқса қуйидаги асосий омилларни ҳам қайд этиш ўринлидир:

1. Сиёсий барқарорлик. Давлат томонидан барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган тизимли ислохотлар ва Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари учун яратиб берилаётган тенг имкониятлар, ҳар бир шахс, ҳар қайси хўжалик юритувчи субъектга ўз имкониятларини тўлақонли намойиш этиши учун барча шароитларнинг мавжудлиги.

¹ Ислон Каримов, 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 й., 11-бет.

2. Миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланиб бораётгани. Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида бозор иқтисодиётига ўтишнинг дунёда ўзбек модели сифатида тан олинган ўзига хос йўлини танлаб, уни изчил амалга ошириши натижасида МДХ (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги) ҳудудидаги кўпгина давлатлардан фарқли равишда ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб, давлатнинг ички ва ташқи қарзлари ҳаддан зиёд ошиб кетишига йўл қўйилмасликка эришди. Ўзбекистон иқтисодиёти 1997-2003 йиллар давомида йилига 3,8-5,2 фоиз ўсиш суръатлари билан ривожланди. Қулай ишчан муҳит яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнларининг натижаси сифатида мамлакатимиз иқтисодиёти 2004 йилдан эътиборан йилига 7-9 фоиз даражасидаги юқори ва барқарор ўсиш суръатларини намойиш қила бошлади¹. Айтиш пайтда жаҳонни ларзага солган, кўплаб мамлакатлар иқтисодиётига катта талофатлар етказиб, издан чиқарган глобал молиявий-иқтисодий инқироз жараёнларининг мураккаб ва оғир синовларидан ўтаётган мамлакатимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш орқали янада самарали ва мустаҳкам бўлиб бормокда.

3. Географик ва геосиёсий жойлашуви. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг чорраҳасида жойлашган бўлиб, самарали минтақавий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, минтақавий ва трансмиллий лойиҳаларда иштирок этиш учун қулай транспорт коридорларига эга мамлакатдир².

4. Ривожланган инфратузилманинг мавжудлиги. Мамлакатимизда транспорт инфратузилмасининг муҳим таркибий қисми бўлмиш темир йўллар, автомобиль йўллар ҳамда ҳаво йўллари яхши ривожланган. Темир йўлларимизнинг узунлиги 6,5 минг километр, автомобиль йўлларимизнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 13-б.

² Юлдашев Р.З. Инвестиционное обеспечение приватизированных предприятий в Узбекистане: управленческий аспект. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 93 с.

узунлиги 43,5 минг километрга тенг. Миллий авиакомпаниямиз томонидан мунтазам равишда дунёнинг 40 дан ошиқ шаҳарларига тўғридан-тўғри рейслар амалга оширилади, шунингдек, жаҳоннинг 24 та давлатида унинг 43 дан ошиқ ваколатхонаси бор. Республикамизда йилига 48 миллиард киловат саот электр энергияси ва 10 миллион килокалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади. Бу нафақат ички эҳтиёжимизни тўла таъминлаш, балки хорижга экспорт қилишимиз учун ҳам имкон яратади.

5. Қулай солиқ ва божхона сиёсати. Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар учун инвесторларга қатор имтиёз ва преференциялар яратилган ва уларнинг кафолати қонун билан мутаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, улар мулк солиғидан, тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад солиғидан ҳамда бир қатор божхона божларини тўлашдан озод этилган.

6. Юксак салоҳиятга эга ишчи кучининг мавжудлиги. Ўзбекистон юқори салоҳиятга эга бўлган мутахассис кадрларга эга бўлиб, юртимизда аҳоли саводхонлиги даражаси 100 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизда ҳар тўрт кишидан бири олий ёки ўрта махсус маълумотга эгадир. Биргина таълим соҳасини оладиган бўлсак, мамлакатимизда ўз мазмун ва моҳиятига кўра ноёб бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муваффақиятли амалга оширилди. Ушбу дастур ўн икки йиллик яхлит мажбурий узлуксиз таълим тизимига ўтиш ҳамда таълим жараёнларининг сифатини тубдан ва тизимли равишда оширишга, кадрларнинг юксак даражадаги умумий ва касбий маданиятга эга бўлган янги авлодини тарбиялашга қаратилган махсус чора-тадбирларни амалга ошириш имконини берди. Аҳолининг турмуш шароитини ошириш, билим олиш имкониятларини кенгайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ишчи кучи сифатида ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этиш салоҳиятини юксалтириш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Шу маънода, юртимизда аҳоли муҳофазасини таъминлашдаги биринчи ва асосий вазифа инсонни камол топтириш, унинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда нуфузини кўтариш

билан боғлиқ. Бинобарин, жамиятнинг инсонпарварлиги мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг қанчалик юксаклиги билангина эмас, балки бу салоҳият ҳар бир кишининг фаровон яшаши ва ҳар томонлама ривожланиши учун йўналтирилгани билан ҳам баҳоланади.

Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни диверсификация этиш, иқтисодиёт тармоқларининг рақобатдошлигини ошириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг экспортдаги ҳажмини кенгайтиришга қаратилган инвестиция фаолиятини тартибга солувчи 50 дан ортиқ ҳукукий-ҳужжат қабул қилинди, жумладан, “Концессиялар тўғрисида”ги, “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги 30.04.1998 йилдаги Қонуни; “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонунлар айна шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Маълумки, жамият тараққиётида аҳолининг муҳтож қатламларини социал муҳофаза қилиш нафақат ижтимоий, айна вақтда сиёсий аҳамиятга эгадир.

Бу ҳақда сўз борганда, аввало кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида аҳоли даромадлари таркибида қатор ўзгаришлар содир бўлди:


биринчидан, даромад шакллари ўзгарди, яъни унинг анъанавий турлари (иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия) қаторига мутлақо янгилари - тадбиркорлик фаолиятидан, мулкдан, кўчмас мулкдан, қимматли қоғозлардан, чет эл валютасидан келадиган даромадлар қўшилди;

иккинчидан, даромадларнинг таркибий қисмлари миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгарди, бу борада фуқаро ихтиёридаги ҳақиқий даромадлар, тўпланиш ва ажралиш коэффиценти, даромад танқислиги, тирикчилик минимуми, қашшоқлик даражаси, оила пул даромадларининг харид қобилияти каби тушунча ва категориялар пайдо бўлди;

учинчидан, даромадлардан фойдаланишнинг янги йўналишлари вужудга келди: мажбурий тўловлар ва бадаллар, чет эл валютаси, қимматли қоғозлар ва шахсий мулкни сотиб олиш учун харажатлар, тижорат банкларига қўйилмалар шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, аҳоли даромадларининг даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг зарурий эҳтиёжини қондириш, саломатлигини сақлаш, дам олишини ташкил этиш, маълумот олиши, бўш вақтини мазмунли тарзда ўтказиши бўйича имкониятлари шунчалик кўп бўлади.

Республикамиз иқтисодиётида инвестицияларнинг сўнгги олти йилдаги ўсиш сўр'атлари турлича бўлиб, бунда олдинги йиллардагига нисбатан ўсиш ва пасайиш тенденциялари кузатилмоқда (3.1.1-расм).



3.1.1-расм. 2005-2011 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётига йўналтирилган инвестицияларнинг ўсиш сўр'атлари, фоизда¹.

Статистик таҳлилларни миллий валютимиз мисолида давом эттирадиган бўлсак, расмий маълумотларга кўра, 2011 йилнинг январь-декабрь ойларида 18291,3 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O‘qituvchi”НМИУ, 2012. – 31-32- бет.

Инвестицияларнинг умумий ҳажмида марказлашган инвестициялар 17,5 фоизни (3198, 7 миллиард сўм), инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 23,9 фоизни (2.3.2-расм) ташкил этгани ҳам мамлакатимизда инвестиция жараёнларининг жадал фаоллашиб бораётганини кўрсатади.



3.1.2-расм. Инвестициянинг ўсиш суръати ва инвестиция ҳажмининг ЯИМдаги улуши.

Ҳозирги глобаллашув шароитида, бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, жаҳонда инвестициялар учун қатъий кескин кураш давом этмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, мамлакатимиз иқтисодиётига бевосита хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишини таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, маблағларни энг устувор йўналишларда ҳамда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўналишларда мужассам қилиш республикада ўтказилаётган инвестиция сиёсатининг асосий тамойилларидир¹.

¹ Маҳмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. – 86-б.

Бельгиялик олим Хилберн Бойснинг фикрига кўра “Катта иқтисодий, минерал-хомашё ва инсон салоҳиятига эга бўлган. Ўзбекистон хорижий сармоядорларни, аввало, мамлакатдаги барқарор сиёсий вазият билан ўзига жалб этади. Ушбу мамлакатда татбиқ этилаётган барча янгиланишлар республикани янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва гуллаб-яшнашига кафолат бўлади”¹.

Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган инвестициялар манбалари ва улардан фойдаланиш борасида ижобий сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Молиялаштириш манбалари таркибига тўхталадиган бўлсак (3.1.1-жадвал), 2011 йилда умумий инвестициялар ҳажмида давлат бюджети маблағлари 5,1 фоиз; чет эл инвестициялари 25,3 фоиз; корхоналар ва аҳоли маблағлари 49 фоизни ташкил этган.

Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган бир шароитда ҳам улкан хорижий инвестициялар йўналтирилаётган мамлакатлар гуруҳидан жой олмоқда. Бунга, албатта, мамлакатимизда олиб борилаётган ва узоқ стратегик мақсадларни кўзлаган инвестиция дастурлари ҳамда қулай инвестиция муҳити яратилгани асосий омил бўлмоқда. Давлат инвестиция дастурлари доирасида жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 2011 йилда 2006 йилга қараганда қарийб тўрт баробарга кўпайган. 2011 йилда тўғридан-тўғри инвестициялар умумий хорижий инвестицияларнинг қарийб 78,8 фоизини ташкил этган. Бу энг аввало Президентимиз томонидан мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни диверсификация этиш жараёнининг тўғри ва аниқ олиб борилаётгани натижасидир.

Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг

¹ Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. /№ 3/2011 й., 19 б.

салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди¹.

3.1.1-жадвал

2005-2011 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши, фоизда²

Молиялаштириш манбалари	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009й.	2010 й.	2011 й.
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4	5,1
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,3
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	49,0
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5	20,6

Иқтисодиётдаги таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини янада жонлантириш, хорижий инвестицияларни, аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантириш, янги иш ўринларини шакллантириш ва шу асосда миллий иқтисодиётимизни барқарор ва жадал ривожлантиришни таъминлаш мақсадида республика бюджетидан катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда.

2011 йил учун қабул қилинган Ўзбекистоннинг инвестиция дастурида бюджет маблағлари ҳисобидан жами 950 миллиард сўмлик маблағ

¹ Ислон Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 31 б.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O‘qituvchi”НМИУ, 2012. – 276 бет.

ажратилиши кўзда тутилган эди (3.1.1-жадвал), олиб борилган иқтисодий сиёсат натижасида, 2012 йил 1 январь ҳолатига кўра бюджетдан 1101,7 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди. Бу эса прогноз қилинган маблағдан 116 фоизга кўп демакдир. Бунга, албатта, бюджет даромадларининг ошгани ва молия-иқтисод соҳасининг тўғри, оқилона олиб борилгани мустаҳкам замин бўлди.

Инвестиция бозори инфратузилмасини шакллантиришда иқтисодий субъектларнинг инвестиция ва молиявий эҳтиёжларига хизмат кўрсатиш бўйича кенг имкониятларга эга бўлган тижорат банклари, банкдан ташқари молиявий ташкилотлар, инвестиция фондлари ва бошқа молиявий воситачилар муҳим роль ўйнайди. Шуларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1455-сонли қарори қабул қилинди.

Республикамизда инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмлари жорий этилиши билан уларни молиялаштириш манбалари ҳажми йилдан-йилга ўзгармоқда. Сўнгги олти йилда инвестицияларни молиялаштириш манбаларида давлат бюджетининг салмоғи бошқа бозор иқтисодиётига хос бўлган молиялаштириш манбаларини ошиши эвазига камайиб борган.

Ривожланган давлатларда инвестицияларни молиялаштиришда аҳоли қўйилмаларининг салмоғи анча юқори. Масалан, Японияда аҳоли қўйилмалари банк тизимининг умумий ресурсларида 70 фоизни ташкил этади. Аҳоли учун жамғармаларни юқори ликвидлиги, ишончлилиги таъминланади¹.

3.2. Енгил саноат корхоналарида модернизациялаш жараёнларининг илмий-ташкилий жиҳатларини янада кучайтириш

¹ Стратегии модернизации и обеспечения долгосрочного устойчивого экономического роста. Форум экономистов Узбекистана. Т.: «SMI-ASIA», 2011. 63-б.

“Ўзбекенгилсаноат” ДАК тизимида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш шароитида ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнларининг илмий тадқиқи, қатор корхоналарда бу борадаги ҳолатларнинг чуқур таҳлили, мутахассис ва экспертлар, раҳбарлар ва ходимлар ўртасидаги ўтказилган сўров натижалари мазкур жараёнларнинг илмий-ташкилий жиҳатларини янада кучайтириш зарурлиги ҳамда бу борадаги мавжуд имкониятларни кўрсатиб берди.

Энг аввало, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта қурооллантириш дастурларининг мукамаллиги ва улар борасида корпоратив муносабат иштирокчилари, айниқса, бошқарув субъектларининг доимо ҳам тўлиқ тасаввурга эга эмаслиги мазкур жараёнларнинг самарадорлик даражасига ўз салбий таъсирини ўтказаетганлиги аниқланди.

Аксарият ҳолларда корпоратив корхоналар модернизациялаш дастурларида эътибордан четда қолаётган ёки у қадар эътибор қаратилмаётган жиҳат – бу эскирган асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш жараёнидан чиқариш ҳисобланади.

Маълумки, олдинги ўринларда ишлаб чиқариш жараёнидан эскирган техника ва асбоб-ускуналарнинг чиқарилиши модернизациялаш жараёнининг муҳим кўрсаткичларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтган эдик. Зеро, эскирган жиҳозларни аниқлаб, уларни ўз вақтида ишлаб чиқариш жараёнларидан чиқариб бориш маҳсулот сифатини ошириш, таннархини пасайтириш ҳамда унинг рақобатбардошлигини кучайтиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Ушбу тадбирлар ҳар бир корхона ва тармоқнинг модернизация дастурларига киритилган ва ўз вақтида амалга оширилган бўлиши лозим. Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ушбу тадбирнинг аҳамияти кучли бўлиб, бу борада Инқирозга қарши чоралар дастурида алоҳида чора-тадбирлар белгиланган.

“Ўзбекенгилсаноат” ДАК тизимида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта қурооллантириш дастурларини ишлаб чиқишда янги, замонавий техник воситалар ва технологик линияларни ишлаб

чиқариш жараёнига босқичма-босқич ва изчил равишда киритиб борилишини эътиборга олиш муҳим ҳисобланади. Бироқ, амалда бу жараёнларнинг таҳлили мазкур масалаларга етарли эътибор қартилмаётганлигини кўрсатади (3.2.1-жадвал).

3.2.1-жадвал

**“Ўзбекенгилсаноат” ДАК тизимида модернизациялаш натижасида
корхона ишлаб чиқаришининг замонавий техника ва технология билан
жиҳозланиши, минг сўм**

Корхоналар	2006	2007	2008	2009	2010	2011
“Мархамат” ОАЖ	-	-	-	-	3513001,5	-
“Бешариқтекстиль” ОАЖ	-	-	-	-	3118739,0	-
“Сурхонтекст” ҚК	23724	124085	254831	684048	1235077	61753
“Sirkechi Tashtekstil” ҚК МЧЖ	-	-	3450960	19111	-	-

Манба: “Ўзбекенгилсаноат” ДАК маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Жадвалдан кўринадики, “Мархамат” ОАЖда 2010 йилда 3513001,5 минг сўм умумий қийматдаги замонавий техника ва технологиялар янгидан ишлаб чиқариш жараёнига жорий этилиб, бу 2008 йилда муомаладан чиқарилган асбоб-ускуналар қийматидан 17,1 марта кўп демакдир. “Бешариқтекстиль” ОАЖда 2010 йилда умумий қиймати 3118739,0 минг сўмлик замонавий техника ва технологиялар янгидан ишлаб чиқариш жараёнига киритилган. “Сурхонтекст” ҚКда янги замонавий техника ва технологиялар ишлаб чиқариш жараёнига йиллар давомида бир текисда жорий этиб борилиб, уларнинг 2006-2011 йиллар давомидаги умумий қиймати 2383538 минг сўмни ташкил этган. “Sirkechi Tashtekstil” ҚК МЧЖда бундай янгилаш ҳолатлари 2008-2009 йилларда амалга оширилиб, уларнинг умумий қиймати 3470071 минг сўмдан иборат бўлган.

“Ўзбекенгилсаноат” ДАК тизимидаги айрим корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта қурулантириш дастурларини ишлаб чиқишда янги, замонавий техник воситалар ва технологик линияларни ишлаб чиқариш жараёнига босқичма-босқич ва изчил равишда киритиб

боришга етарли эътибор қаратмаслик ёки амал қилмаслик қуйидаги қатор салбий ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда:

1) ишлаб чиқариш жараёнларида узилишларнинг пайдо бўлиши, аксарият ҳоларда корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг муайян муддатга бутунлай тўхтатиб қўйилиши;

2) айрим оралиқ ишлаб чиқариш жараёнларига хизмат қилувчи ускуналарнинг изчил кетма-кетликда ишга туширилмаслиги оқибатида ягона технологик занжирнинг узилиши;

3) ишлаб чиқаришда маромийлик тамойилининг бузилиши ва унинг ишлаб чиқариш ҳамда молиявий натижаларга салбий таъсир кўрсатиши ва ҳ.к.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнларининг самарадорлигини ифодаловчи натижалардан бири ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизмат ассортиментининг кенгайиши ҳисобланади. Ишлаб чиқаришга янги замонавий техника ва технологияларни киритишда мавжуд маҳсулот тури билан бирга яна қўшимча янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ёки унинг тайёрлик даражасини ошириш борасидаги навбатдаги технологик жараёнларни йўлга қўйишнинг эътиборга олиниши муҳимдир. Шунга кўра, ушбу жиҳатлар корхона ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва техник қайта қурулантириш дастурларида ўз ифодасини топиши лозим.

Бироқ, “Ўзбекенгилсаноат” ДАК тизимидаги корхоналарни модернизациялашда ассортиментни кенгайтириш масалаларига у қадар эътибор қаратилмаётганлиги кузатилади (3.2.2-жадвал).

Хусусан, жадвалдан кўринадик, “Мархамат” ОАЖда асосан 2 ассортиментдаги товарлар, яъни ип калава ва ип газлама ишлаб чиқарилади. 2005-2007 йиллар давомида ҳар иккала маҳсулот турини ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб борган. Агар ип калава ишлаб чиқариш қиймати 1,8 баравар қисқарган бўлса, ип газлама ишлаб чиқариш қиймати 35,1 бараварга қисқарган. Натижада, 2008-2010 йилларда ип газлама ишлаб чиқариш

умуман тўхтатилган. Ип калава ишлаб чиқариш қиймати эса 2010 йилда 2005 йилга нисбатан 112 фоизга ошган.

“Бешариқтекстиль” ОАЖда ишлаб чиқаришни модернизациялаш натижасида 2009 йилдан бошлаб 4 ассортиментдаги маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилган. Ушбу маҳсулотларнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 2011 йилда қуйидагича бўлган: ҳалқасимон ип калава - 45,7 фоиз, хом сурп - 11,3, бўялган сурп - 25,9, тайёр трикотаж маҳсулот - 17,2 фоиз. Бундан кўринадики, ушбу корхонада маҳсулот ассортиментини кенгайтириш нисбатан муваффақиятли амалга оширилмоқда.

3.2.2-жадвал

Модернизациялаш натижасида корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментининг кенгайиши, минг сўм

Товар ассор- тimenti тури	2006	2007	2008	2009	2010	2011
“Мархамат” ОАЖ						
Ип калава	1968629,6	1575280	1069382	247300	2079780	2204567
Ип газлама	1785628,4	1428844	50886	-	-	-
Жами	3754258	3004124	1120268	247300	2079780	2204567
“Бешариқтекстиль” ОАЖ						
Ип калава (кольцевая)	-	-	-	-	1415683	1513224
Хом сурп	-	-	-	-	350237	374368,3
Бўялган сурп	-	-	-	-	802060	857321,9
Тайёр трикотаж маҳсулот	-	-	-	-	532544	569236,3
Жами	-	-	-	-	3100523	3314149
“Сурхонтекст” ҚҚ						
Ип калава	4147	4870	6569	7152	4472	4825,1
Газлама	1778	2189	2940	3178	1872	2019,8
Жами	5925	7059	9509	10330	6344	6845,0
“Sirkechi Tashtekstil” ҚҚ МЧЖ						
Ип калава №2 12/1	-	-	-	2730903	3545419	4179926
Ип калава №2 16/1	-	-	-	601061	605350	713686,7
Ип калава №2 20/1	-	-	-	856331	1495494	1763136

Манба: “Ўзбекенгилсаноат” ДАК маълумотлари асосида тузилган.

“Сурхонтекст” ҚҚда асосан 2 турдаги маҳсулот – ип калава ва ип газлама ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, таҳлил қилинаётган давр мобайнида улар ўртасида ўртача 70/30 нисбат сақланиб қолган. Кейинги йилларда корхонага катта ҳажмдаги янги техника ва технологияларнинг киритилиши ҳам маҳсулот ассортиментининг кенгайишига таъсир кўрсатмаган.

“Sirkechi Tashtekstil” ҚҚ МЧЖда 2008 йилда модернизациялаш бўйича янги жиҳозларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши натижасида ип калаванинг 3 хил (12/1, 16/1, 20/1 ўлчамдаги) турини тайёрлаш йўлга қўйилган. 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 12/1 ўлчамли ип калава ишлаб чиқариш 1,5 баравар, 16/1 ўлчамли ип калава ишлаб чиқариш 1,2 баравар, 20/1 ўлчамли ип калава ишлаб чиқариш 2,1 бараварга ўсган. Бироқ, маҳсулотнинг тайёрлик даражасини ошириш борасида корхонада ассортиментнинг кенгайиши жараёнига эътибор қаратилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, тармоқ корхоналарини модернизациялаш дастурларини шакллантиришда маҳсулот ва хизматлар ассортиментини кенгайтириш вазифасига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борадаги аниқ чораларни белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг самарадорлигини корхона асосий воситалари таркибининг ўзгариши, такомиллашуви орқали ҳам баҳолаш мумкин. Хусусан, “Мархамат” ОАЖда бу жараён аҳамиятли ўзгаришларни келтириб чиқарган (3.2.3-жадвал).

Жадвалдан кўринадики, “Мархамат” ОАЖда ишлаб чиқаришни модернизациялаш натижасида асосий воситаларнинг қиймати 7,2 марта ўсган. Бироқ бу ўсиш асосий воситаларнинг турлари бўйича ҳар хил рўй берган. Жумладан:

- асосий воситалар таркибидаги техник воситалар (машиналар)нинг улуши 2005 йилдаги 51 фоиздан 2010 йилдаги 75,2 фоизгача (24,2 фоиз пунктига) ўсган;

- иншоотларнинг улуши 2,5 фоиздан 6,4 фоизгача (3,9 фоиз пунктига) ўсган;
- узатувчи мосламаларнинг улуши 3,7 фоиздан 7,2 фоизгача (3,5 фоиз пунктига) ўсган;
- биноларнинг улуши эса, аксинча, 37,3 фоиздан 9,9 фоизгача (27,4 фоиз пунктига) камайган ва ҳ.к.

3.2. 3-жадвал

“Мархамат” ОАЖда ишлаб чиқаришни модернизациялаш натижасида асосий воситалар таркибий тузилишининг ўзгариши, минг сўм

Асосий воситаларнинг таркибий тузилиши	2006 йил		2011 йил		Фарқи, +,-	
	минг сўм	сол. салм.%	минг сўм	сол. салм.%	минг сўм	фоиз пункти
Бино	267167	37,3	511752,7	9,9	+244585,7	-27,4
Иншоот	17850	2,5	330680,1	6,4	+312830,1	+3,9
Узатувчи мослама	26277	3,7	373723,1	7,2	+347446,1	+3,5
Техник воситалар (машиналар)	365712	51,0	3900787,3	75,2	+3535075	+24,2
Асбоб-ускуналар	17211	2,4	47057,6	0,9	+29846,6	-1,5
Бошқалар	22807	3,1	20761,9	0,4	-2045,1	-2,7
Жами	717024	100	5184762,7	100	+4467739	-

Манба: “Ўзбекенгилсаноат” ДАК маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ушбу ўзгаришлар натижасида корхонада асосий воситаларнинг таркибий тузилиши ижобий кўринишга эга бўлиб, уларнинг актив қисми (яъни, техник воситалар, узатувчи мослама ва асбоб-ускуналар) салмоғи 83,3 фоизни, пассив қисми (яъни, бино, иншоотлар ва бошқалар) салмоғи эса 16,7 фоизни ташкил этган (2005 йилда бу кўрсаткич 57,1:42,9 нисбатда бўлган).

Худди шундай таҳлилни бошқа корхоналар мисолида ҳам кўриб чиқиш мумкин. Хусусан, “Бешариқтекстиль” ОАЖда ҳам бу борада юқорида баён этилган ҳолат кўзга ташланади (3.2.4-жадвал).

Жадвалдан кўринадик, “Бешариқтекстиль” ОАЖда ишлаб чиқаришни модернизациялаш натижасида асосий воситаларнинг қиймати 336 марта

ўсган. Бироқ, асосий воситаларнинг турлари бўйича ўзгаришлар фарқ қилиб, қуйидаги йўналишларда юз берган:

- асосий воситалар таркибидаги асбоб-ускуналарнинг улуши 2005 йилдаги 59,2 фоиздан 2010 йилдаги 93,2 фоизгача (34 фоиз пунктига) ўсган;
- биноларнинг улуши эса, аксинча, 37,3 фоиздан 6,6 фоизгача (30,7 фоиз пунктига) камайган;
- техник воситаларларнинг улуши аҳамиятсиз даражада қолган;
- корхона асосий воситалари таркибида иншоот ва узатувчи мосламалар мавжуд эмас.

3.2.4-жадвал

“Бешариқтекстиль” ОАЖда ишлаб чиқаришни модернизациялаш натижасида асосий воситалар таркибий тузилишининг ўзгариши, минг сўм

Асосий воситаларнинг таркибий тузилиши	2006 йил		2011 йил		Фарқи, +,-	
	минг сўм	сол. салм.%	минг сўм	сол. салм.%	минг сўм	фоиз пункти
Бино	25812	37,3	1557688,3	6,6	1531876	-30,3
Иншоот	-	-	-	-	-	-
Узатувчи мослама	-	-	-	-	-	-
Техник воситалар (машиналар)	673	0,01	19039,6	0,1	18366,6	0,09
Асбоб-ускуналар	40989	59,23	21671149,0	93,2	21630160	33,97
Бошқалар	1726	3,46	16318,1	0,1	14592,1	-3,36
Жами	69200	100	23264195,0	100	23194995	0

Манба: “Ўзбекенгилсаноат” ДАК маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ушбу ўзгаришлар натижасида корхонада асосий воситаларнинг таркибий тузилишида бир ёқламалилик, яъни улар актив қисми салмоғининг деярли 94 фоизга етиши кузатилади. Ҳолбуки, 2005 йилда бу кўрсаткич 59,2:40,8 нисбатда бўлган. Корхона асосий воситалари таркибида иншоот ва узатувчи мосламаларнинг бўлмаслиги улар хўжалик фаолиятининг тўлақонли амалга ошишига тўсқинлик қилади.

Шунга кўра, фикримизча, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта қуrollантириш дастурларини шакллантиришда корхона асосий

воситалари таркибидаги оптимал пропорцияларнинг сақланишини таъминлаш, уларнинг янада самарали ишлаши учун имкон яратиш зарур.

Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг молиявий натижаларга таъсири ҳам қисқа муддатли, ҳам узоқ муддатли даврда турлича намоён бўлиши мумкин. Қисқа муддатли даврда модернизациялаш жараёнлари корхоналарнинг техника воситалари ва технологик линияларга, янги маҳсулот ва хизматлар турларини ўзлаштириш учун зарур бўлган ресурсларга сарф-харажатларнинг ортиши оқибатида молиявий натижалар фойда (даромад) ҳажмининг ҳамда, тегишли равишда, дивидендларнинг қисқаришига олиб келиши мумкин. Узоқ муддатли даврда эса корхона модернизациялаш мақсадида киритилган жиҳоз ва воситалар тўлиқ ишга туширилиб, самарали ишлай бошлаши натижасида корхона фойдаси муттасил ошиб боради.

Шунга кўра, корпоратив тузилмаларда модернизациялаш жараёнларини ташкил этишда унинг корпоратив муносабатлар иштирокчиларига қисқа ва узоқ муддатли даврдаги таъсир йўналишларини ҳисобга олиш лозим. Айниқса, молиявий натижаларнинг кескин қисқариши туфайли дивиденд, бюджетга тушумларни қисқартириб юбормаслик, тўловга қобилликни пасайиши оқибатида турли кредиторлар ва бошқа хўжалик субъектлари олдидаги қарздорликнинг ошиб кетишига йўл қўймаслик керак.

Юқоридаги таҳлил жараёнлари ҳамда улар асосида илгари сурилган фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, “Ўзбекенгилсаноат” ДАК тизимида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта қуроллантириш жараёнларининг илмий-ташкилий жиҳатларини янада кучайтириш зарурлиги ошиб бормоқда. Энг муҳими, ҳозирги шароитда бу борада кўплаб имкониятлар мавжуд бўлиб, уларнинг ўз вақтида ишга туширилиши пировардида компания умумий иш фаолияти самарадорлигининг аҳамиятли даражада ошишига замин яратади. Айниқса, бу борада “Ўзбекенгилсаноат” ДАК фаолиятида модернизациялаш

жараёнларининг мунтазам амал қилишини таъминловчи иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

3.3. “Ўзбеккўмир” ОАЖ иқтисодий омилларини (меҳнат ресурслари) бошқаришни такомиллаштириш

Рангли ва қора металлургия ҳамда унинг хом ашё базаси бўлмиш кўмир саноати оғир саноатнинг энг муҳим тармоғидир. Кўмир саноати корхоналарининг маҳсулоти - темир рудаси, ванадий, смарганец рудалари, баъзи бир рангли металллар (кобальт, никель, вольфрам, молибден) рудалари, чўян, турли маркали пўлат ва қотишмалар ишлаб чиқариш учун зарур.

Барча кончилик тармоқлари орасида саноатнинг ёқилғи тармоғи салмоқлидир, унинг улушига саноат ялпи маҳсулотининг $1/3$ қисми, кон саноатида банд бўлганларнинг ва уларнинг асосий ишлаб чиқариш фондларининг $2/3$ қисми тўғри келади.¹

Кўмир, нефть, ёнадиган табиий газлар ва ҳақозо бирламчи энергиянинг асосий манбалари бўлиб, кимё ва иқтисодиётнинг кўпгина тармоқлари учун хом ашё сифатида хизмат қилади. Саноат ривож топган ривожланган давлатлар ёқилғи —энергетика балансида сарфланадиган энергиянинг 90 % дан кўпроғи ёнилғидан олинади.

Техника ривожланган ҳозирги пайтда ёқилғи органик синтез саноати учун хом ашё манбаи бўлиб қолди. Қаттиқ ёқилғи (кўмир, торф, сланец) нинг минерал қисми оловбардош материаллар ва тарқоқ элементлар (германий, скандий, бериллий) қимматли рангли металллар (алюминий, титан, молибден, рух ва бошқалар) олиш учун хом ашё манбаидир.Бундан ташқари, кўмир кулининг талай қисми қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун юқори сифатли хом ашё сифатида ишлатилади.

¹2007 йилдаги Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси статистик маълумотлари.

Хом ашёдан комплекс фойдаланиш, иқтисодиётнинг энг муҳим маҳсулот турларига бўлган эҳтиёжини қондиришдан ташқари катта иқтисодий самара ҳам беради. Масалан, тошкўмирни кокслашда кокслаш маҳсулотлари (кокс газлари, тошкўмир смоласи, бензол)дан тўларок фойдаланиш кўмрдан олинадиган химиявий маҳсулотлар хажмини 3 мартага ошириш мумкин.

Рангли металлургия саноатида ҳам катта резервлар мавжуд, унда руда уюмларини (отваллари), бойитиш фабрикаларининг қолдиқларини, металлургия заводларининг шлаklarини хом ашё сифатида ишлатиш мумкин. Рангли металлургия заводларида шлакни қайта ишлаганда ҳар йили 10 минг тоннагача қўрғошин, 90 минг тонна рух ва бирмунча миқдорда ноёб металллар ишлаб чиқариш мумкин¹.

Кончиликда ҳар йили ишлаётган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш ҳисобига қўшимча қувватлар ишга туширилиб, топилган конлар асосида ялпи қурилиш амалга оширилади. Шу сабабли фойдали қазилмалар конини ишга солишнинг мақсадга мувофиқлигини ва навбатини аниқлаш бу саноат тармоғини минерал хом ашё ресурслари билан таъминлашда асосий масалалардан биридир.

Фойдали қазилмаларни ишлаб чиқаришга жуда кам меҳнат сарфлаб, иқтисодиётнинг маълум фойдали қазилмаларга бўлган эҳтиёжини қондирадиган ва иқтисодий жиҳатдан самарали конларни танлаш, конларга иқтисодий баҳо бериш йўли билан амалга оширилади. Фойдали қазилма конларини иқтисодий баҳолашнинг асосий вазифаларидан бири улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиб, саноат миқёсида ўзлаштиришнинг нисбий хўжалик самарадорлигини ва навбатини белгилаш бўлса, иккинчи томондан, конларни иқтисодий баҳолаш билан бир қаторда уларнинг геологик хусусиятлари, республикамиз ҳудуди бўйлаб жойлаштириш қонунлари,

¹К.Д.Науменко умумий таҳрири остида. «Экономика горной промышленности». М: Недра, 1974. 250 с.

казиш усуллари, рудалардан саноат миқёсида фойдаланиш ва фойдали компонентлар олишни ўрганишдир.

Бизнинг фикримизча, бугунги кунда конларни иқтисодий-географик, геологик, техникавий ва иқтисодий усуллар бўйича баҳолаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иқтисодий – географик баҳолаш кон жойлашган туманнинг рельефи ва ўзлаштирилганлиги ҳамда саноатнинг ривожланиш тавсифи, меҳнат, энергетика ва сув ресурслари, қурилиш материаллари билан таъминлаш манбалари, транспорт шарт-шароити ва ҳақозо ҳақида тасаввур беради.

Кўмир саноати иқтисодиётнинг кўп меҳнат талаб қилувчи тармоқларидан ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, кончилик корхоналарида фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш учун кўплаб ишчи кучи сарфланади. Бу эса, кўмир саноати маҳсулотлари таннархида иш ҳақининг миқдори бошқа харажатлардан анчагина катта бўлишини ёки сарф қилинган меҳнат бирлигида қайта ишлаш корхоналарига нисбатан камроқ маҳсулот ишлаб чиқаришни ифодалайди. Мана шуларнинг ҳаммаси кўмир саноатида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва уни рағбатлантириш масалаларини чуқурроқ ўрганишни тақозо этади.


Кўмир саноатида сифатни таъминлаш муҳим масала ҳисобланиб, унинг иқтисодиётини барқарор ривожланишига олиб келади.

Кўмир саноати ривожланишининг барча босқичларида кадрларнинг роли жуда каттадир. Бозор иқтисодиётини чуқурлаштириш шароитида юқори малакали раҳбар кадрларнинг роли янада ошади, чунки улар олимлар ва инженер-техник ходимлар билан биргаликда техника тараққиёти жараёнини ривожлантиришда асосий куч бўлиб қоладилар.

Қуйидаги 3.3.1-расмда раҳбарнинг шахсий фазилатларини шакллантириш модели келтирилиб, комплекс талаблар, кўрсаткичлар мажмуаси, шахсий жиҳатлари атрофлича изоҳланган. Раҳбар энг аввало кон соҳасидаги функция ва мажбуриятларини чуқур ҳис этиши, кончилик ишлаб чиқаришининг хусусиятларини ўзида ўзида намоён қилиши керак.

Шунингдек, раҳбарлик хусусиятлари, хусусан, ишга бўлган маъсулиятлилик, ишбилармонлик ва тадбиркорлик, киришимлилик фазилатлари (ижодий фаоллик, умумий маданият, этика) ривожланишини таъминлаш зарур.

Кўмир саноатида менежерлик фаолиятини эндиgina бошлаган раҳбар аввало, ўз қўл остидаги хизматчиларининг ҳурматини қозонишга уриниши, янги лавозимга муносиб эканлигини исботлаши, аввалги бажариб келган хизмат вазифаларидан фарқли ўлароқ, ташкилий масалалар билан шуғулланиши лозимлигини англаб етиши талаб этилади, (шарт-шароитларга мослашувчи менежер синдроми); иккинчидан, рухий жиҳатдан ўзига хос вазифани уддалаши, яъни ўзини янги лавозимга муносиб эканлигини идрок этиши асосида шахсий кадр-қимматини оширишга эришмоғи лозим.



3.3.1-расм. Раҳбарнинг шахсий фазилатларини шакллантириш модели¹.

Бизнинг фикримизча, кўмир саноати персоналининг таркибини ўрганиш учун уни таснифлаш лозим. Бунинг учун қуйидаги меҳнат тақсимоти шаклларида фойдаланишни тавсия этамиз:

а) Меҳнатни ишлаб чиқаришда бажарилаётган функциялар бўйича тақсимлаш;

б) Меҳнатни ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган жараёнлар ўртасидаги тафовутлар бўйича тақсимлаш;

в) Меҳнатни ишчиларни ишлаб чиқариш жараёнларида қатнашиши характерлари бўйича тақсимлаш (ишчиларнинг ишлаб чиқариш технологиясида бевосита қатнашиши ёки жараёнларни бажараётган ишлаб чиқариш воситаларини бошқариш ва ҳакозо).

Кўмир саноати персонали унинг ишлаб чиқариш жараёнларига бўлган муносабати бўйича икки гуруҳга ажратилади:

1) Саноат ишлаб чиқариш персонали (ишлаб чиқаришда бевосита қатнашувчи персонал);

2) Ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган персонал;

Биринчи гуруҳга қуйидагилар киради:

а) корхонанинг асосий цехлари (қазиб чиқариш ва қазиб чиқаришга тайёрловчи участкалар, транспорт участкаси, шахта ёки карьер чегарасида ташкил бўлимлари) да бевосита ишлаётган персоналлар;

б) корхонанинг ёрдамчи цехлари (электр подстанция. Пар ва иситиш қозонлари. Механик ремонт устахонаси. Шахта ёки карьер устидаги склад хўжаликлари ва ҳоказо) да хизмат қилаётган ишчилар. Корхона капитал қурилишига жалб этилган ишловчилар ҳам шулар жумласига киради;

¹ Муаллиф илмий изланишлари асосида ишлаб чиқилган.

в) корхонанинг махсус хўжаликлари (ёғоч тайёрлаш, қурилиш материаллари тайёрлаш, инерт чанглар тайёрлаш ва шу каби бўлимлар) да ишлайдиган ишчи ва хизматчилар. Шахтанинг ҳаммоми ва махсус кийим ҳамда пойафзалларини тозалаш, ремонт қилиш хизматига жалб этилганлар ҳам шулар жумласига киради;

г) ҳарбийлаштирилган ва қуроллантирилган ўт ўчириш ва қўриқлаш хизмати ишчилари;

д) шахтанинг бошқариш аппарати ва таъминоти бўлимларига жалб этилган ишчи ва хизматчилар.

Ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган персоналга қуйидагилар киради:

а) лаборатория, илмий - текшириш гуруҳлари ўқув пункти хизматчилари;

б) кон лаҳимларини капитал ремонт қилувчи ишчилар;

в) корхона қошидаги мактаб, касалхона, болалар боғчаси, клуб ва шу каби маиший хизмат кўрсатувчи муассасаларнинг ишчи хизматчилари.

Бошқа саноат тармоқларида бўлгани каби, кўмир саноати кадрлари ўзларининг бажарадиган функциялари бўйича - ишчилар, мухандис-техник ходимлар, хизматчилар, майда хизмат кўрсатувчи ходимлар ва ўқувчилар категорияларига бўлинадилар.

Кадрларнинг умумий сонига нисбатан юқорида келтирилган кадрлар категориясининг фоиз ҳисобидаги улуши - кадрларнинг тузилмаси ҳисобланади.

Кўмир саноатининг кадрлари тузилмаси унинг ҳозирги замон тараққиёти даражасида қуйидаги ўртача миқдорлар билан характерланади:

Ишчилар - 85-87 %, мухандислик -техник ходимлар -10-12 %; хизматчилар - 2-4 %; майда хизмат кўрсатувчи ходимлар -1-2 %; ўқувчилар - 0,5-1 % (3.3.1-жадвал).

Кадрларнинг аниқ корхоналардаги тузилмасини кўрсатиш мақсадида Ангрен, Бойсун, Шарғун кўмир конларини кўрсаткичлари келтирилади:

Шуни айтиб ўтиш керакки, кадрларнинг тузилмаси фан-техника тараққиёти натижасида доимо ўзгариб туради. Чунки бозор иқтисодиётини чуқурлаштириш шароитида ишлаб чиқариш жараёнларида юқори унумдорликка эга бўлган машина ва механизмларни қўлланиш ҳамда ишлаб чиқаришни автоматлаштириш асосида конвейерлаштириш ишчиларни билим даражаларини тобора ошира боришларини талаб қилади.

3.3.1-жадвал

2011 йилда “Ўзбеккўмир” очик акциядорлик жамияти тасарруфидаги кўмир конларининг кадрлар тузилмаси (умумий миқдорга нисбатан % ҳисобида)¹

Ишловчилар категорияси	Ангрен кўмир кони	Бойсун кўмир кони	Шарғун кўмир кони
Ишчилар	87,3	85,7	88,4
Мухандис-техник ходимлар	10,2	10,7	11,1
Хизматчилар	0,4	0,3	0,4
Майда хизмат кўрсатувчи ходимлар	0,4	1,2	0,1
Ўқувчилар	1,7	2,1	-
ЖАМИ	100	100	100

Ҳозирги бозор иқтисодиётини чуқурлаштириш шароитида фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, бошқариш ишларини механизациялаш ва электрон ҳисоблаш машиналарини бошқариш ишларида қўлланиш бу ишларни бажариш жараёнларини бирмунча осонлаштиради ва бошқарувчиларнинг малакасини юқори бўлишини талаб этади. Буларнинг ҳаммаси кадрлар тузилмасига таъсир этиб, ундаги ишчилар, хизматчилар улушини, мухандис-техник ходимлар улуши кўпайиши ҳисобига камайтириб боради.

Кончилик корхоналари кадрларининг тузилмаси корхонанинг қувватига, механизациялаш ва автоматлаштириш даражасига, геологик қазиб чиқариш шароитига ва ишни ташкил қилиш усулларига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам кадрлар тузилмасини доимо ўрганиб бориш, ҳар бир категорияга кирувчи кадрларнинг сонини тўғри аниқлаш фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш самарадорлигини ошириш асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг ҳажми, унинг жараёнларида қатнашиш тарзи ва бошқа омилларга нисбатан корхона персонали қуйидаги гуруҳларга бўлиниши тавсия этилади:

¹ “Ўзбеккўмир” очик акциядорлик жамияти статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

а) доимий таркиб, бунда ҳамма шароитлар ўзгармаган ҳолда, ишлаб чиқариш хажмининг ўзгариши билан ишчиларнинг сони ўзгармайди ёки нисбатан кам ўзгаради. Кончилик корхоналарида бу таркибга асосан ёрдамчи жараёнларда ишлайдиган ишчилар киради (кон лаҳимларини ремонт қилиш, конни шамоллатиш, ер ости сувларини чиқариб ташлаш, электр подстанция, иситиш корхоналари ва шу кабиларда ишлайдиган ишчилар).

Бугунги кунда доимий таркибдаги ишчиларнинг сони корхонанинг умумий штатини 35-40 % ини ташкил этади.

б) ўзгарувчан таркиб, ҳамма шароитлар ўзгармаган тақдирда ишлаб чиқариш хажми ўзгариши билан унга мос равишда ўзгаради. Масалан, казиб чиқариш забойида 10 ишчи бир сменада 300 тонна кўмир казиб чиқарган бўлса, казиб чиқариш хажмини забойнинг параметрларини ўзгартирмай, 450 тоннага ошириш учун уларнинг сонини 15 кишига ошириш лозим бўлади.

Кўмир саноатида, бошқа саноатлардаги каби ишчиларнинг ишга чиқиш ва рўйхат таркиблари мавжуддир.

Ишлаб чиқариш жараёнларини нормал боришини таъминлаш мақсадида бир сутка давомида иш жойларида ўз вазифаларини бажарувчи ишчилар сонига ишчиларнинг ишга чиқиш таркиби дейилади. Ишловчиларнинг рўйхатдаги сонига уларнинг рўйхат таркиби дейилади. Рўйхат таркиби ишчиларнинг ишга чиқиш таркибидан ҳамма вақт ката бўлади. Чунки ишловчиларнинг маълум қисми хизмат бўйича сафарларда, меҳнат таътилида ва касал ҳолатларда бўлиши мумкин. Бундан ташқари баъзи ишловчилар давлат ишлари билан айрим кунлари банд бўлиб ишга чиқмасликлари, ишчи-аёллар эса декрет отпускарларида бўлишлари мумкин. Шунинг учун ишлаб чиқаришнинг нормал ва узлуксиз бўлишлигини таъминлаш учун ишловчиларнинг рўйхат таркиби ишга чиқиш таркибидан катта бўлиши шарт. Ишловчиларнинг рўйхат ва ишга чиқиш таркиби корхонанинг қабул қилинган иш режимига боғлиқдир. Рўйхат таркибини ишга чиқиш таркибидан қанча кўп бўлишини аниқлаш учун рўйхат коэффициентида фойдаланилади.

Ўз навбатида кадрларни асосий ва ёрдамчи ишловчилар гуруҳларига бўлиш мумкин. Кўмир корхоналарида асосий жараёнларни бажарувчи ишчилар асосий гуруҳни ташкил қилади. Буларга фармаловчилар, экскаваторчилар, комбайн машинистлари, мустаҳкамловчилар, транспорт ишларини бажарувчилар, юкларни кўтарувчи установкаларда ишловчилар ва бошқа ишчилар киради.

Ёрдамчи гуруҳ ишчилари асосий жараёнларни бажаришда қатнашмайдилар. Улар асосий жараённинг бажарилишига қулай шароитлар яратишда қатнашадилар. Буларга шахтани ҳаво билан таъминлаш хизмати ишчилари, ер ости сувларини чиқариб ташловчи ишчилар, механик-ремонт устахоналари, электроподстанция, йўл тузатиш участкаси ишчилари ва бошқа ёрдамчи ишчилар киради. Ҳозирги замон кўмир корхоналарида асосий ишлаб чиқариш жараёнлари тўла механизациялаштирилган бўлиб, ёрдамчи жараёнлар, ҳамон кам механизациялашган бўлиб қолмоқда. Бу эса ишчиларнинг асосий ва ёрдамчи гуруҳлари ўртасидаги тафовутни йўқотишга катта ҳалақит бермоқда.

Фан-техника ютуқларини кўмир саноатига илдамлик билан жорий қилиш, кон қазиб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва ишчилар малакасини узлуксиз ошириб бориш бу муаммони бартараф этиш имкониятларини яратиб бермоқда.

3-боб бўйича хулосалар:

1. “Ўзбекенгилсаноат” ДАК фаолиятида модернизациялаш жараёнларининг мунтазам амал қилишини таъминловчи яхлит иқтисодий механизмнинг мазмуни ва амал қилиш тамойиллари қуйидагилардан иборат: 1) корпоратив бошқарув барча органлари (акционерлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, бошқарув органи)нинг модернизациялашнинг мунтазам равишда амалга оширилиши, бунда тегишли шахсларнинг масъуллиги ва ҳисоботдорлиги тамойиллари остида ишлашини таъминлаш; 2) модернизациялашнинг ташкилий асослари изчил амалга ошириш; 3) техникавий сиёсатни ишлаб чиқариш ва амалга ошириш “Ўзбекенгилсаноат”

ДАК ва унинг таркибига кирувчи корхоналарда бир вақтнинг ўзида ўзаро боғлиқ тарзда амалга ошириш; 4) модернизациялашнинг устувор йўналишлари асосидаги дастурлар корхона корпоратив бошқаруви томонидан корпоратив муносабатлар субъектларининг “манфаатдорлик призмаси”дан ўтказилиши; 5) корхонанинг кейинги фаолияти даврида модернизациялашни янада такомиллаштириш бўйича эҳтиёжларни аниқлаб, уларни мазкур механизм орқали мунтазам татбиқ этиб бориш.

2. Таҳлиллар кўрсатишича, кўмир саноатида маҳсулот таннархини камайтириш - ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим кўрсаткичидир. Бизнинг фикримизча, кончилик саноати қазилма маҳсулотларининг таннархини камайтиришнинг, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитидаги, асосий йўналишлари қуйидагилар: кўмир саноати корхоналарини оқилona жойлаштириш; корхоналарнинг маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришдаги минимал харажатларини таъмин қиладиган оптимал кувватларини белгилаш; кон захираларини қазиб чиқаришнинг илғор усуллари ва технологияларидан (очиқ усуллари) кенгроқ фойдаланиш; ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилиш усуллари такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириб бориш ва бошқалар.

Хулоса ва таклифлар

1. “Ўзбекенгилсаноат” ДАК корхоналарида модернизациялаш жараёнларини такомиллаштириш мақсадида: 1) модернизациялаш ва техник қайта қуроллантириш дастурларини ишлаб чиқишда уларга эскирган жиҳозларни босқичма-босқич муомаладан чиқариб бориш бўйича чора-тадбир ва талабларнинг киритилишини таъминлаш; 2) корхоналарда эскирган техника ва технологик линияларнинг мавжудлиги бўйича инвентаризация ўтказилиб, уларни босқичма-босқич чиқариб бориш юзасидан мониторинг ташкил этиш зарур; 3) корхона ишлаб чиқариш фаолиятига янги асбоб-ускуналар ва техник жиҳозларни муайян даврда қиймати жиҳатидан бир текисда ҳамда асбоб-ускуналарнинг технологик жиҳатидан жараёнлар узвийлиги ва изчиллигини ҳисобга олган ҳолда киритилишини таъминлаш; 4) маҳсулот ва хизматлар ассортиментини кенгайтириш вазифасига алоҳида эътибор қаратиш; 5) корхона асосий воситалари таркибидаги оптимал пропорцияларнинг сақланишини таъминлаш зарур.

2. Кимё саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг асосий тамойиллари кузатув кенгаши томонидан корхонанинг «шаффоф»лиги, акциядорлар ва инвесторлар ишончининг ортиши, компаниянинг инвестицион жалб этувчанлиги ўсиши, компанияда акциядорлар, менежерлар ва ишчи ходимлар манфаатлари мувозанатининг аниқ тартибга солиниши, ваколатларнинг акциядорлар йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органлари ўртасида чегараланиши, ходимларнинг қабул қилинаётган бошқарув қарорлари ҳақида кенг хабардор қилинишини таъминлаш, корхона ва унинг тузилмалари фаолиятининг етарли ва зарур даражада ташкилий ва молиявий «шаффоф»лигини таъминлашни назарда тутадиган кетма-кетликдаги корпоратив стратегиянинг ишлаб чиқилишига асосланиши лозим.

3. Кейинги йилларда иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб

чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганида яққол кўриш мумкин. Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори қўшилган қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этди. Бундан кўринадики, ҳукуматимиз томонидан саноат тармоқларининг барқарорлигини таъминлаш натижасида янги иш ўринларининг кўпайишига, бунинг оқибатида эса аҳоли бандлигининг ошишига, аҳоли бандлигининг ошиши орқали даромаднинг ошишига, аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига эришишдек ўзоқни кўзлаган стратегик мақсад назарда тутилган.

4. “Мархамат” ОАЖда 2010 йилда 3513001,5 минг сўм умумий қийматдаги замонавий техника ва технологиялар янгидан ишлаб чиқариш жараёнига жорий этилиб, бу 2008 йилда муомаладан чиқарилган асбоб-ускуналар қийматидан 17,1 марта кўп демакдир. “Бешариқтекстиль” ОАЖда 2010 йилда умумий қиймати 3118739,0 минг сўмлик замонавий техника ва технологиялар янгидан ишлаб чиқариш жараёнига киритилган. “Сурхонтекст” ҚКда янги замонавий техника ва технологиялар ишлаб чиқариш жараёнига йиллар давомида бир текисда жорий этиб борилиб, уларнинг 2006-2011 йиллар давомидаги умумий қиймати 2383538 минг сўмни ташкил этган. “Sirkechi Tashtekstil” ҚК МЧЖда бундай янгилаш ҳолатлари 2008-2009 йилларда амалга оширилиб, уларнинг умумий қиймати 3470071 минг сўмдан иборат бўлган.

“Ўзбекенгилсаноат” ДАК тизимидаги айрим корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта қуроллантириш дастурларини ишлаб чиқишда янги, замонавий техник воситалар ва технологик линияларни ишлаб чиқариш жараёнига босқичма-босқич ва изчил равишда киритиб боришга етарли эътибор қаратмаслик ёки амал қилмаслик қуйидаги қатор салбий ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда:

1) ишлаб чиқариш жараёнларида узилишларнинг пайдо бўлиши, аксарият ҳоларда корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг муайян муддатга бутунлай тўхтатиб қўйилиши;

2) айрим оралиқ ишлаб чиқариш жараёнларига хизмат қилувчи ускуналарнинг изчил кетма-кетликда ишга туширилмаслиги оқибатида ягона технологик занжирнинг узилиши;

3) ишлаб чиқаришда маромийлик тамойилининг бузилиши ва унинг ишлаб чиқариш ҳамда молиявий натижаларга салбий таъсир кўрсатиши ва ҳ.к.

5. Ҳозирги бозор иқтисодиётини чуқурлаштириш шароитида фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, бошқариш ишларини механизациялаш ва электрон ҳисоблаш машиналарини бошқариш ишларида қўлланиш бу ишларни бажариш жараёнларини бирмунча осонлаштиради ва бошқарувчиларнинг малакасини юқори бўлишини талаб этади. Буларнинг ҳаммаси кадрлар тузилмасига таъсир этиб, ундаги ишчилар, хизматчилар улушини, муҳандис-техник ходимлар улуши кўпайиши ҳисобига камайтириб боради.

Кончилик корхоналари кадрларининг тузилмаси корхонанинг кувватига, механизациялаш ва автоматлаштириш даражасига, геологик қазиб чиқариш шароитига ва ишни ташкил қилиш усулларига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам кадрлар тузилмасини доимо ўрганиб бориш, ҳар бир категорияга кирувчи кадрларнинг сонини тўғри аниқлаш фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш самарадорлигини ошириш асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги Қонуни. Қонун ва қарорлар. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 1996 йил 26 апрель // Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тўплами. 1 том. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2011.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуни 2001 йил 6 декабрь // Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тўплами. 1 том. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2011.
5. «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги Қонуни 2001 йил 6 декабрь // Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тўплами. 1 том. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2011.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-1675-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1449-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартдаги ПҚ-1501-сонли Қарори.
9. «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи, 11 апрел 2012й.
10. “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.// Халқ сўзи, 15 март 2007 й.
11. Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) 4058-сонли Фармони

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4057-сон.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Республика енгил саноатини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида. 2002 йил 1 июль, ПФ-3102-сон.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида. 2003 йил 22 декабрь, ПФ-3366-сон.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

15. «Саноат тармоқлари корхоналарининг маънавий эскирган ва ейилган асбоб-ускуналарини жадал янгилашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 апрельдаги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 17-сон

16. «Йирик корхоналар ва ишлаб чиқаришларда технологик асбоб-ускуналар ва технологияларнинг техник аудитини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 15 мартдаги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 10-11-сон, 103-модда

17. «2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Республика енгил саноатини ривожлантириш ва бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2002 йил 2 июль, 240-сон.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва республика енгил саноатини янада ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2004 йил 25 март, 141-сон.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 13 мартдаги 124-сонли “”Ўзкимёсаноат” Давлат акционер компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 январдаги 17-сонли “Кимё саноати корхоналари бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмат кўрсатишини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

22. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўнашларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.

23. Ислом Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 й., 36 бет.

24. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир.—Т.: 19.Т. Ўзбекистон, 2011.

25. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.

26. Каримов И.А.«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

27. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза), “Халқ сўзи”, 2010 йил 13 ноябрь (№ 220)

28. И. Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади (Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси). // Халқ сўзи, 22 январ 2011 й.

29. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. — Т: Ўзбекистон, 2009. — 56 б.

30. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. Халқ сўзи, 2006 йил 25 феврал.

31. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи, 2006 йил 11 феврал.

32. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т.: Ўзбекистон, 2005, - 92 б.

33. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида.-Т.: Ўзбекистон, 1995., 217- б.

34. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002 Т.10. – Б. 212-213.

35. Каримов И.А. Закрепляя достигнутые результаты, последовательно стремиться к новым рубежам // Газета «Народное слово». – 2006, 11 февраля.

36. Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 31 б.

Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари

37. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом. -Т.: 1999 йил 5 февраль.

38. “Ўзбекенгилсаноат” давлат-акциядорлик компанияси устави (янги таҳрир). Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2004 йил 16 июль 1004-сонли қарори билан рўйхатга олинган. Тошкент, 2004.

Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

39. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 282 бет.

40. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2010. – 146 бет.

41. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2010. – 280 бет.

42. Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. Ўзбекистоннинг 19 йил мустақил тараққиёт йўлида жамиятни модернизациялаш ва иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг дадил одимлари ва муваффақиятлари: талаба ёшлар ва кенг жамоатчилик билан учрашувларда фойдаланиш учун

ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий мавзуда илмий-оммабоп рисола. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2010. - 148 бет.

43. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услугий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет.

44. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича Ўқув-услугий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2009. – 340 бет.

45. Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Гафуров У.В. Мамлакатни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилиш – миллий тараққиётимизнинг мантикий босқичи: Илмий-оммабоп рисола. – Т.: ТДИУ, 2008. – 53 б.

46. Белых Л.П. Реструктуризация предприятия. Учеб. пособ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. – 511 с.

47. Кантор Е.Л. и др. Экономика предприятия. – СПб.: Питер, 2009. – 224 с.

48. Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни жорий этиш муаммолари. Фаттохова Ж.А., Яушев Р.И., Толипов К.Ф., Хамидуллин М.Б. – Тошкент, Иқтисодий тадқиқотлар маркази, 2006, 79-б.

49. Просветов Г.И. Экономика предприятия: задачи и решения. Учеб. практическое пособ. – М.: «Альфа-Пресс», 2009. – 560 с.

50. Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2010, – 256 б.

51. Ваҳобов ва бошқ. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2010. – 480 б.

52. Maxmudov E.X., Isoqov M.Yu. Biznes - rejalashtirish. O'quv qo'llanma. –Т.: O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005, – 160 b.

53. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004, – 208 б.

54. Макконнелл К.Р, Брю С.Л Экономика: принципы, проблемы и политика: пер с 14-го англ. Изд. – М.; ИНФРА-М, 2002, с 380.

55. Раззоков А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Тошкент: Молия, 1997. – Б. 46.

56. Акромов Э.А Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Т.: Молия, 2010, -223 б.

57. Румянцева Е.Е. Новая экономическая энциклопедия. 3-е изд. – М.: ИНФРА-М, 2008. – VI, 826 с.-С.374.

58. Румянцева Е.Е. Новая экономическая энциклопедия. 3-е изд. – М.: ИНФРА-М, 2008. – VI, 826 с.-С.374.
59. Экономика предприятия: Учебник. 5-е изд. /Под ред. акад. В.М. Семенова. – СПб.: Питер, 2008. – 416 с.
60. Сперанский, А. А. Краткий курс по экономическому анализу: учеб, пособие.- М.: «Окей - книга», 2008.- 191 с.
61. Самуэльсон П. Экономика – М.; Республика, 2003. С 108 Денисон Э. Исследований различий в темпах экономического роста – М.: Мысль, 2001 с 45-47
62. Экономика предприятия: Учебник. 5-е изд./ Под ред. акад. В.М. Семенова. – СПб.: Питер, 2008.- 416 с.
63. Kuznets S. Economic Growth of Nations. Total Output and Production Structure. Cambridge, 2001; P 11-14; Kuznets S. Modern Economic Growth. Finding and Reflection American Economic Reuies 2003
64. Леонтьев В. Экономическое Теории, исследования, факты и политика. М, 2002 с 102-103.
65. Анчишкин А.И. Прогнозирования роста социалистической экономики. -М., 2003. С. 131.
66. Сажина М.А., Чибриков Г.Г. Экономическая теория. – М.; Норма-инфра, 2002. С.282.
67. Ходиев Б.Ю., Беркинов Б.Б. Корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси “ADIB” нашриёти, 2010. - Б. 5-6.
68. Курс экономической теории. Учебник, 4-е дополненное и переработанное издание Киров: АСА, 2001. С.558.
69. Мировая экономика: Учебник / Под ред. проф. А.С.Булатова. – М.: Экономистъ, 2005.
70. Ф.Эргашев, Д. Рахимова, А. Сагдуллаев, О.Парпиев, Ш. Зайнутдинов « Инновацион менеджмент. Дарслик». Тошкент ,«Академия».
71. Юлдашев С.Н. Акциядорлик жамиятларида давлат мулкани бошқариш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари (“Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик компанияси мисолида). Ихтисослик: 08.00.13 – “Менежмент ва маркетинг”. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2010. – Б.54-55.
72. Царев В. В. Оценка конкурентоспособности предприятий (организаций). Теория и методология: учеб. пособия.- М.: ЮНИТИ - ДАНА, 2008. – 799 с.
73. Зубко Н.М. Экономическая теория. – Минск: НТЦ АПИ, 1998. – С. 61.
74. Шодмонов Ш.Ш., Гофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. - Дарслик; Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. - Т.: IQTISODIYOT-MOLIYA, 2010. – 726 бет.

75. Юлдашев Р.З. Инвестиционное обеспечение приватизированных предприятий в Узбекистане: управленческий аспект. Монография. – Т.: Иктисодиёт, 2009. – 93 с.

76. Махмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. – 86-б.

Илмий монографиялар, мақолалар

77. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Инвестициялар иқтисодий ўсишнинг ресурслар асоси // «Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш йилларида» Мақолалар тўплами. 5-қисм. - Т.: ТДИУ, 2005, – 28-48 б.

78. Махмудов Э.Х., Нажимадинов Р.Д. Корхонанинг баҳо сиёсати // Ҳамкор. – 2004, - 30 декабрь.

79. Б. Холматов. Тежамкорликнинг назарий асослари ва амал қилиш механизми. Номзодлик диссертацияси. Тошкент. ТДИУ, 2009.

Илмий-амалий анжуманлар маърузалари тўпламлари

80. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Инвестиционная поддержка развития малого бизнеса и предпринимательства. // «Миллий иқтисодиёт соҳаларида халқаро тажрибани ўрганиш ва уни кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда татбиқ этиш» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман маърузалар тўплами. ТДИУ, Тошкент, 2 ноябр 2004. – 14-17 бетлар.

81. Стратегии модернизации и обеспечения долгосрочного устойчивого экономического роста. Форум экономистов Узбекистана. Т.: «SMI-ASIA», 2011. 63-б.

Газета ва журналлар

82. Махмудов Э.Х., Ортиқов А., Каримов Ф. Корхона - иқтисодиётнинг асосий буғини // Ҳамкор, 2010 йил 7 февраль.

83. Махмудов Э.Х., Нажимадинов Р.Д. Самарасиз корхона бозорни тарқ этиши керак // Ишонч. 2009 йил 23 октябр.

84. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. /№ 3/2011 й., 19 б.

Статистик маълумотлар тўпламлари

85. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

86. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. WWW/ stat.uz.

Интернет маълумотларини қуйидаги сайтлардан олинади:

87. www.zone-x.ru/showtov.asp?,

88. www.ssau.ru/books/economics/1.shtml,

89. www.rubricon.com/tsep_1.asp.